O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● E-mail: xalksuzi@uzpak.uz ● 2003 йил 7 август, №161 (3273) Пайшанба

ПРЕЗИДЕНТЛАР УЧРАШУВИ

САМАРҚАНД, 6 август (ЎзА махсус мухбирлари Анвар БОБОЕВ, Акбар ҚАРШИЕВ).

Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин амалий ташриф билан Ўзбекистонга келди. Самарқанд аэропортида олий мартабали меҳмонни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов кутиб олди.

Шаҳардаги қароргоҳда Президентларнинг яккамаякка суҳбати бўлиб ўтди. Ўзбекистон ва Россия раҳбарлари икки мамлакат ўртасидаги муносабатларнинг бугунги аҳволи, ҳамкорлик истиқболлари, томонларни қизиқтирган халқаро масалалар юзасидан фикр алмашдилар.

Россия томони Ўзбекистон билан ҳамкорликка алоҳида эътибор билан қарайди. Мамлакатларимиз икки томонлама асосда ҳамкорликни ривожлантириш баробарида, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти каби тузилмалар доирасида ҳам савдо-иқтисодий алоқаларни кенгайтириб, хавфсизлик борасидаги саъй-ҳаракатларни мувофиқлаштириб келмоқда.

Владимир Путин Россия ҳукуматига раҳбар бўлган кезлари ҳам, Президент сифатида ҳам илк хорижий сафарларини Ўзбекистондан бошлаган. Бу унинг юртимизга учинчи ташрифи. В.Путиннинг ташаббуси билан Президент Ислом Каримовнинг 2001 йилнинг майидаги Россия сафарига давлат ташрифи мақоми берилган эди. Бундай самимият ва эътибор икки мамлакатнинг бир-бири билан ҳамкорликка интилиши кучли эканлигига яна бир далолатдир.

Ўзбекистон — Россия савдо-иқтисодий алоқаларидан ҳам ҳамкорлик даражаси ҳақида аниқ тасаввур ҳосил қилиш мумкин. Россия Ўзбекистоннинг асосий ташқи савдо шерикларидан биридир. Лекин Президентлар икки томонлама товар айирбошлаш ҳажми имкониятларимиз даражасида эмаслигини таъкидлади. Ўзбекистон ва Россиянинг иқтисодий салоҳиятини имкон қадар тўла ишга солиш мақсадида икки мамлакат раҳбарлари савдо-иқтисодий ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро қўшма комиссия таркибини янгилашга келишиб олди. Матбуот анжуманида маълум қилинганидек, янгиланган комиссиянинг илк мажлиси шу йилнинг кузида бўлиб ўтади.

Икки мамлакат ўртасидаги муносабатларни стратегик ҳамкорлик даражасидаги алоқалар десак муболаға бўлмайди. Ўзбекистон ва Россиянинг қатор халқаро масалаларга муносабати яқин ёки ўхшаш. Халқаро террорчилик, диний экстремизм, наркотик моддалар ва қурол-яроғ контрабандаси каби хавфсизликка таҳдид солувчи иллатларга қарши кураш борасида томонлар ҳамжиҳатлик билан иш юритиб келмоқда.

Президентлар журналистлар билан учрашувда бу галги музокара ҳам жуда кенг қамровли бўлганини таъкидлади. Ислом Каримовнинг айтишича, суҳбатнинг бирор мавзуини устувор этиб белгилаш қийин бўлса-да, уни асосан икки қисмга бўлиш мумкин. Аввало, табиийки, иқтисодий муносабатлар юзасидан бафуржа фикр алмашилган. Хусусан, нефт-газ соҳасидаги ҳамкорликни кенгайтириш масаласи муҳокама этилган.

Маълумки, ўтган йилнинг декабрида "Ўзбекнефтгаз" миллий холдинг компанияси билан Россиянинг "Газпром" очиқ турдаги акционерлик жамияти ўртасида "Газ соҳасида стратегик ҳамкорлик тўғрисидаги битим" имзоланган эди. Унга биноан Ўзбекистондан йирик ҳажмда газ экспорт қилинади. Президентлар бу соҳадаги ҳамкорликни сифат ва ҳажм жиҳатидан янги поғонага кўтаришга келишиб олганини маълум қилди.

Ислом Каримов ва Владимир Путин тўқимачилик, энергетика машинасозлиги, сув хўжалиги каби соҳаларни ҳам ҳамкорликнинг устувор йўналишига айлантириш имкониятлари кўплигини таъкидлади. Масалан, Россия тўқимачилик корхоналари Ўзбекистон пахтасини бевосита олмайди. Шу боис бу борада ишбилармонларга қулай шарт-шароит яратишга келишиб олинди.

Ислом Каримовнинг билдиришича, мулоқот давомида икки томонлама манфаатли кўплаб келишувларга эришилган. Ҳукуматлараро қўшма комиссия мажлисида Президентлар келишувларини ҳаётга татбиқ этишнинг аниқ чора-тадбирлари ишлаб чиқилади.

Владимир Путиннинг айтишича, ўзаро ҳамкорликдан иккала мамлакат халқлари учун ҳам манфаатдорлик мавжуд. Ҳукуматлараро қўшма комиссия эса ана шундай сиёсатни амалиётга татбиқ этишнинг муҳим бўғинига айланиши керак. Унинг зиммасига юкланган вазифаларни, умумий қилиб, икки қисмга бўлиш мумкин. Аввало, икки мамлакатнинг ҳам тегишли қонун ҳужжатлари яна бир бор теран таҳлил этилиб, ўзаро мувофиқлаштирилиши керак. Қолаверса комиссия хўжалик субъектларининг лоббистига айланиши, яъни, ҳукуматлар олдида улар манфаатларининг ҳақиқий ҳимоячисига айланиши зарур. Шунда унинг фаолияти кутилган натижани беради.

Владимир Путин Ислом Каримов ҳамроҳлигида қадим Самарқанддаги тарихий обидаларни — Гўри Амир мақбараси, Регистон мажмуи ва Улуғбек расадхонасини томоша қилди. Рус православ черковида бўлди.

— Самарқандга биринчи марта келишим, — деди Россия Президенти. — Шаҳарнинг тарихий обидалари ғоят ҳайратланарли, бетакрор. Ниҳоятда бой таассурот билан қайтмоқдаман.

Шу билан Россия Федерацияси Президенти Владимир Путиннинг Ўзбекистонга ташрифи ниҳоясига етди.

СУРАТДА: учрашув пайти. Абдувоҳид ТЎРАЕВ (ЎзА) олган сурат.

ЎЗБЕКИСТОН ҒАЛЛАКОРЛАРИГА

Азиз дўстлар!

Сиз, лафзи ҳалол деҳқонларимизнинг йил бўйи белни маҳкам боғлаб қилган фидокорона меҳнатингиз туфайли мамлакатимизда илк бор 5 миллион 100 минг тонна дон ҳосили етиштирилиб, ғаллачилик соҳасида тарихий маррага эришилди.

Мен барчамизга ғурур ва ифтихор бахш этадиган мана шу меҳнат ғалабаси билан, аввало, ғаллакорларимизни, қишлоқ хўжалиги соҳаси меҳнаткашларини, бутун халқимизни чин дилдан самимий табриклайман. Қўлга киритилган бу улкан ютуқнинг моҳияти ва аҳамиятини тасаввур этиш учун 1990-1991 йилларда республикамиз бўйича ўртача 940 минг тонна ғалла йиғиб олинганини айтиб ўтиш кифоя, деб ўйлайман.

Айниқса, бу йилги мавсумда республикамиз бўйича суғориладиган майдонлардан ўртача 44 центнердан, Андижон вилоятида 75,1, Самарқанд вилоятида 53,2, Наманган ва Фарғона вилоятларида қарийб 50 центнердан ҳосил олингани ўзбек деҳқонининг нималарга қодирлигини яққол намоён этиб турибди.

Бу беқиёс зафар халқимиз ризқ-рўзини бутун қилиш, мустақиллигимизнинг иқтисодий асосларини мустаҳкамлаш мақсадида бундан бир неча йил аввал ўзимизга белгилаб олган йўлимизнинг нечоғли тўғри эканини яна бир бор кўрсатади. Бунинг замирида кўп-кўп омиллар қатори одамларимизнинг ерга, мулкка бўлган муносабати, эгалик ҳиссиёти тубдан ўзгариб, ўз меҳнатидан манфаатдорлик туйғуси кучайиб бораётгани мужассам, десак, асло хато бўлмайди.

Айни вақтда қишлоқ хўжалиги, хусусан, ғаллачилик соҳасида уруғчиликка алоҳида эътибор қаратиш, илғор агротехнологияларни кенг жорий этиш, моддий манфаатдорлик ва рағбатлантириш механизмларини янада такомиллаштириш, хўжаликлар билан тайёрловчи ва хизмат кўрсатувчи ташкилотлар ўртасида шартнома интизомини мустаҳкамлаш масалаларида олдимизда қатор вазифалар турганини ҳам унутмаслигимиз даркор.

Мен ўзбек деҳқончилик мактабига хос энг яхши анъаналарни давом эттириб, бойитиб келаётган қишлоқ меҳнаткашлари ушбу хўжалик йилида бошқа соҳаларда ҳам янги-янги муваффақиятларни қўлга киритишларига тилакдошман.

Бугунги қувончли кунда ғаллакорларимизга, моҳир механизатор ва комбайнчиларга, ишбилармон фермерларимизга, барча туман ва вилоятлар раҳбарларига мамлакатимизнинг иқтисодий салоҳияти ва қудратини ошириш, халқимизнинг турмуш даражасини янада яхшилаш йўлида сидқидилдан қилаётган меҳнатлари учун чин қалбимдан самимий миннатдорлик изҳор этаман.

Сизларга ва оила аъзоларингизга ҳамиша сиҳат-саломатлик, бахт ва саодат, ишларингизда омад ёр бўлишини тилайман. Меҳнатингизнинг роҳатини кўринг, ҳеч қачон кам бўлманг, азизларим!

Ислом КАРИМОВ, Ўзбекистон Республикаси Президенти.

МЕҲНАТИНГГА БАЛЛИ, БОБОДЕҲҚОНИМ!

Бу йил мамлакатимиз далаларидан 5 миллион 100 минг тонна ғалла йиғиштириб олинди. Ушбу улкан ғалаба деҳқонларимизнинг Ватанимиз мустақиллигининг 12 йиллигига муносиб тўёнасидир.

Мамлакатимизда иқтисодий ислоҳотларнинг яхлит кўринишига, жумладан, қишлоқ хўжалиги соҳасини ривожлантиришга ҳукуматимиз томонидан катта эътибор қаратилмоқда. Айниқса, ғаллачиликка муҳим омил сифатида ёндошилгани бугунги кунда ўз самарасини бераяпти. Хусусан, сўнгги пайтларда ғалла мустақиллигини қўлга киритиш борасида қўйилаётган залворли қадамлар бунинг тасдиғидир.

Давлатимиз раҳбари жорий йилнинг 18 июль куни Республика Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йилнинг биринчи ярим йиллигида иқтисодиёт ва ижтимоий соҳани ривожлантириш якунлари ҳамда ушбу соҳаларда ислоҳотларнинг муҳим устивор йўналишлари бўйича чоратадбирларни амалга ошириш масалаларига бағишланган мажлисидаги маърузасида мамлакатимиз ғаллакорларининг фидокорона меҳнатларига баҳо бериб, жумладан шундай деди: **"Сўнгги беш йил ичида суғориладиган ерларда ғалла ҳосилдорлиги икки мартадан зиёд ортди ва бугунга келиб ҳар гектар ҳисобига ўртача 43-45 центнерни ташкил этмоқда. Лекин бу ҳали чегара эмас. Кўплаб хўжаликлар гектаридан 75-80 центнердан ҳосил кўтаришмоқда. Бундай улкан ғалабалар биз мамлакатимизда ғалла мустақиллигини таъминлашга қаратилган Миллий дастурни амалга оширишга киришган пайтларимизда фақатгина орзу қилиш мумкин эди холос".**

Дарҳақиқат, шўролар ҳукмдорлиги пайтида мамлакатимиз бўйича 100-120 минг гектар суғориладиган майдонларга ғалла экилар, 750-800 минг гектар лалми ерларда бошоқли дон етиштириларди. Олинган ҳосил ўша пайтлар бор-йўғи 940 минг тонна бўлиб, ҳосилдорлик атиги 17 центнерни ташкил қиларди. Лекин аҳоли сони ойма-ой, йилма-йил ўсиб бораётган республикамиз учун бу кўрсаткичлар қониқарли эмасди. Буни ўз вақтида ва теран ҳис этган Юртбошимиз ғалла мустақиллигини қўлга киритишдек улкан масалани ўртага ташладилар. Натижада бир миллион гектардан зиёд суғориладиган майдонга ғалла экила бошланди. Бугунга келиб эса, бир миллион тўрт юз минг гектарга яқин сувли ва лалми майдонларда бошоқли дон экинлари етиштирилмоқда.

Деҳқончилик тажрибасидан маълумки, юқори ҳосил олишнинг асосий гарови — сифатли уруғ. Мамлакатимизда ана шу муаммони бартараф этиш мақсадида 1997 йилдан бошлаб соҳада ягона тизим ташкил қилинди. Республикамизда "Элита", "Суперэлита" уруғларини етиштиришга ихтисослашган қатор илмий муассасалар фаолият юрита бошлади.

Айтиш жоизки, ўша пайтлари ҳам Андижон вилояти ғалла етиштириш бўйича юқори кўрсаткичларни қўлга киритаётганди. Президентимиз мазкур вилоятга ташрифи чоғида, уни республикамиз учун ғалла уруғчилиги билан шуғулланадиган ҳудудга айлантириш масаласини кўтарди. Шунга асосан Вазирлар Маҳкамасининг "Андижон вилоятида бошоқли дон экинлари уруғчилигини ташкил қилиш тўғрисида"ги 458-сонли қарори қабул қилинди. Унга кўра вилоят 1997-1998 йиллардаги ҳосилидан ғаллачилик хўжаликларига 200 минг тоннадан ортиқ уруғлик етказиб бера бошлади. Бу "Скифянка" ва "Юна" каби навлар эди. Таъкидлаш лозимки, ўша йиллари суғориладиган ерлардан ўртача 5-5,5 центнердан юқори ҳосил олинди. Бироқ Андижон вилояти етказиб бераётган битта ёки иккита навни бошқа ҳудудларда (айтайлик, Сурхондарё, Хоразм) етиштириш баъзан салбий натижаларни ҳам кўрсатди. Вазирлар Маҳкамасининг "Бошоқли дон экинларини навлар бўйича жойлаштиришни такомиллаштириш, уларнинг селекцияси ва уруғчилигини яхшилашга доир чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори уруғчилик муаммоларини бартараф этишга қаратилди. Ана шу қарорнинг ижросини бажариш баробарида бугдойнинг "Кулава", "Горлица", "Половчанка", "Диаметра" навларини экиш ҳосилга ҳосил қўшди. Бу навларнинг бошқаларидан афзаллиги шундаки, улар занг касаллигига чидамлидир. Бундан ташқари вилоятларда бугдойнинг маҳаллий навлари "Чиллаки", "Санзор-8", арпанинг "Темур" каби нави ҳам етиштирила бошланди. Бир сўз билан айтганда, қисқа вақт ичида мамлакатимиз ҳар бир минтақасининг маҳаллий нави ва у туфайли том маънодаги ғалла мустақиллигига эришилди.

Қайд этиш керакки, пудратчи, ижарачиларга, фермерларга етиштирилган ҳосилнинг режадан ортиғи берилиши катта аҳамият касб этди. Жорий йилда ҳам уларга 2,3 миллион тонна ғалла бўлиб берилди. Бу ўз навбатида деҳқонда манфаатдорлик ҳиссини уйғотди.

Мамлакатимизнинг улкан ғалла хирмонини бунёд этишда Андижон, Қашқадарё, Фарғона, Наманган вилояти миришкорларининг меҳнатини алоҳида қайд этиш жоиз. Айниқса, пахтачилик ва ғаллачиликда мактаб яратган андижонликлар жорий йилда ҳар гектар ҳисобига 75,1 центнердан қирмизи дон йиғиштириб олганликлари таҳсинга лойиқ.

Далаларимиздаги ғаллани нест-нобуд қилмасдан йиғиб олиш мавсумида икки мингга яқин ўрим-йиғим машиналари сафарбар қилинди. Бу борада шароитимизга тобора мослашиб бораётган хорижнинг замонавий "Кейс" ҳамда "Класс" русумли комбайнлари ғаллакорга том маънода қанот бўлди.

Айни кунларда мамлакатимиз аҳли мустақилликнинг 12 йиллигини муносиб кутиб олиш йўлида сидқидил меҳнат қилмоқда. Мақоламиз аввалида таъкидлаганимиздек, ризқ-рўзимиз ижодкорлари — ғаллакорларимиз ўйган улкан хирмон, ана шу азиз ва қутлуғ байрамимизга муносиб совғадир.

Саид ОЛИМОВ, "Халқ сўзи" мухбири.

Пойтахтимизда

«Ўзбекистон: атроф муҳит ва хавфсизлик»

Пойтахтимиздаги "Интерконтинентал" меҳмонхонасида БМТ нинг мамлакатимиздаги ваколатхонаси ҳамда Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг Тошкентдаги маркази ҳамкорлигида "Ўзбекистон: атроф муҳит ва хавфсизлик"мавзуида анжуман бўлиб ўтди.

Семинарда атроф-муҳит билан боғлиқ бўлган долзарб муаммоларнинг Ўзбекистонда қандай ҳал қилинаётгани ҳақида сўз борди. Анжуманда Марказий Осиё ҳамкорлик ташкилоти ҳузурида экологик хавфсизлик қўмитасини тузиш ташаббуси ҳам ўртага ташланди.

Ўз мухбиримиз.

БМТ кўнгиллилари ёрдам беради

ТОШКЕНТ (ЎзА мухбири В. НИКОЛАЕВ).

БМТ дастури бўйича глобал кўнгиллилар ташаббуси доирасида амалга оширилаётган Ўзбекистон UNITeS лойиҳаси вазифаларидан бири Ўзбекистонга ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантиришда ёрдам бериш ва бу жараёнга ёшларни жалб қилишдан иборат.

БМТ ахборот технологиялари хизмати ёки Ўзбекистон UNITeS лойиҳаси 2002 йилнинг майида Тошкентда ташкил этилган эди. Ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида ишлаш кўникмаларига эга маҳаллий талабалардан тузилган кўнгиллилар гуруҳи нотижорат ташкилотларга компьютер саводхонлиги асосларига ўқитиш, web-саҳифалар, маълумотлар базасини ташкил этиш, шунингдек, компьютер тўпламларини таъмирлаш каби беғараз ёрдамни таклиф этмоқда.

БМТ кўнгиллилари дастури менежери Дилшод Мавлоновнинг сўзларига кўра, Ўзбекистон UNITeS кичик бюджетли ташкилотларнинг ахборот-коммуникация технологияларини ўзлаштиришга интилишларини қўллаб-қувватлайди, кўнгиллилар сафига ёшларни жалб қилади ва уларнинг ривожланишига кўмаклашади. Ўтган йилдан бошлаб 40 нафардан ортиқ кўнгилли "Экосан" халқаро экология ва саломатлик жамғармаси, республика ДОТС маркази, Тошкент давлат молия институти, Республика таълим маркази, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг санитария ва эпидемиология хизмати, Чилонзордаги академик лицей каби ҳамда бошқа кўплаб турли ташкилотлардан аризалар олди. 2002 йил охирида Ўзбекистон UNITeS 70 нафар кўнгилли ва 50 та ариза берган ташкилотни ўз сафига қабул қилди.

Жойлардан хабарлар

Шоҳ Бобур изидан

Олий Мажлис депутати, Бобур номидаги халқаро жамғарма раиси Зокиржон Машрабов бошчилигидаги экспедиция шоҳ ва шоир юрган йўл бўйлаб сафарга чиқди. Ўнинчи марта йўлга отланаётган ушбу экспедиция аъзолари орасида йирик бобуршунос олимлар, ёзувчилар ҳам бор. Энди улар Афғонистон, Эрон мамлакатларида бўлиб, буюк аждодларимизнинг қабрларини зиёрат қиладилар, адабиётимиз ва санъатимиз тарихига оид манбаларни излаб топадилар.

М. ТОЖИЕВА.

Маҳаллада спорт майдончаси

Қарши шаҳридаги Чармгар маҳалласида спорт майдончаси қурилиб болалар ихтиёрига берилди, — дея хабар беради "Туркистонпресс" мухбири. — Маҳалла оқсоқоли Э. Файзиевнинг ташаббуси билан ташландиқ бўлиб ётган 1,3 гектар майдон тозаланди. Каттаю-кичик ҳашардан четда қолмади. Бу ерда футбол, баскетбол, волейбол майдончалари қурилди. Туман "Камолотчилари" ҳам қўл қовуштириб турганлари йўқ. Улар маҳалла спортчиларига спорт кийимлари совға қилишди. Бугун спорт майдони болаларнинг севимли гўшасига айланишга улгурди.

Тарбия ва меҳр кўприги

Ўзбекистон Республикаси Чегараларини қўриқлаш қўмитасининг Оқтош ўқув марказида "Ватан ҳимоячиси — 2003" ҳарбий ватанпарварлик оромгоҳи ўз ишини бошлади. Байналмилалчи ва чегарачиларнинг, ижтимоий муҳофазага муҳтож оилаларнинг фарзандлари, шунингдек, вилоятларда ташкил этилган "Ҳарбий ватанпарварлик" танловининг финал босқичи ғолиблари мазкур оромгоҳнинг дастлабки дам олувчилари бўлишди. Оромгоҳга келган 330 нафардан зиёд ўсмир 18 кун давомида нафақат дам олади, балки турли ҳарбий, спорт машғулотлари билан ҳам шуғулланадилар. Айни кунларда бу ерга дам олиш учун қўшни давлатлардан ҳам ўсмирлар келмоқда.

Муборак ОХУНОВА, Шоира БОЙМУРОДОВА, ЎзМУ талабалари.

Ўн тўрт йилда ҳам битмаса...

Газетамизнинг шу йилги 6 июнь сонида Пешку тумани, "Туркистон" ширкат хўжалиги аҳолисидан келган мактуб эълон қилинган эди. Яқинда Бухоро вилояти ҳокими ўринбосари Ф. АТАЕВ имзоси билан мазкур хат юзасидан расмий жавоб олдик. Унда жумладан шундай дейилади:

"Пешку тумани, "Туркистон" ширкат хўжалиги Заҳкаш қишлоғида 420 ўқувчи ўрнига мўлжалланган умумтаълим мактаби қурилиши 1991 йилда бошланган бўлиб, ҳақиқатан ҳам, охирги йилларда маблағнинг танқислиги сабабли объектда қурилиш-монтаж ишлари олиб борилмаган.

2003 йилда ширкат хўжалиги ва тумандаги ҳомий ташкилотлар маблағи ҳисобидан мазкур объект қурилиши давом эттирилиб, жорий йилнинг 1 сентябрида унинг биринчи навбати — 180 ўқувчига мўлжалланган ўқув биноси фойдаланишга топширилади.

Келгуси йилда объектни тўлиқ ишга туширишни ва вилоят ҳокимлиги томонидан барча зарурий чоралар кўрилади".

"Халқ сўзи" назоратида

Мактаб биноси фойдаланишга топширилади

Олий Мажлис сессияси олдидан



Ҳуқуқий давлат, фуқаролик жамияти бунёд этишга киришган Ўзбекистонда жаҳон андозаларига мос қонунлар яратиш, мавжудларини такомиллаштиришга катта эътибор берилаётганлиги бежиз эмас. Зеро, одил қонунлар жамият ҳаёти, ривожланиши, демократик тараққиётнинг ҳуқуқий негизидир.

МУКАММАЛЛИК ЯРАШАДИ

Шу нуқтаи назардан олганда, мамлакатимиз парламентининг ҳар бир сессиясида янги қонунлар қабул қилинаётгани, амалдагиларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилаётгани таҳсинга лойиқ. Қувонарли яна бир жиҳати – қонунлар лойиҳалари муҳокамасига депутатлар билан бирга, мамлакат фуқаролари ҳам кенг жалб этилмоқдалар. Қатор қонунлар лойиҳалари Олий Мажлис XI сессияси томонидан биринчи ўқишда маъқулланиб, умумхалқ муҳокамасига қўйилгани буни тасдиқлайди. Кенг жамоатчилик, хусусан, сиёсий партиялар ҳам уларни муҳокама қилаётганини оммавий ахборот воситалари орқали билиб турибмиз. Мен ушбу жараёнда иштирок этиб, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги (янги таҳрирда) Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳасига оид айрим фикр-мулоҳазаларимни билдирмоқчиман.

Бизнингча сайловларнинг демократик андозаларга мос ва холисона ўтишини таъминлашда сиёсий партиялар, сайловчилар ташаббускор гуруҳлари томонидан тайинланадиган кузатувчиларнинг ўрни муҳимдир. Шунинг учун қонунда кузатувчиларнинг мақоми аниқ белгиланиши керак. Чунончи, лойиҳанинг 6-моддаси, 4-хатбошисида «Сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишга доир барча тадбирларда, шунингдек, сайлов куни овоз бериш хоналарида ва овозларни санаб чиқишда депутатликка номзодлар кўрсатган сиёсий партиялардан, сайловчилар ташаббускор гуруҳларидан биттадан кузатувчи, оммавий ахборот воситаларининг вакиллари, бошқа давлатлар, халқаро ташкилотлар ва ҳаракатлардан кузатувчилар қатнашиш ҳуқуқига эгадирлар», деб белгиланган. Бу ерда сиёсий партиялардан, сайловчилар ташаббускор гуруҳларидан биттадан кузатувчи эмас, балки, кузатувчилар қатнашиши ҳамда сайлов жараёнининг ҳар бир тадбирида алоҳида биттадан кузатувчи қатнашиши мумкинлиги аниқроқ белгиланиши муҳимдир.

Масалан, сайлов куни участка сайлов комиссиясида кузатувчилик қилаётган шахс бир вақтнинг ўзида сайлов ўтказилаётган хонада ҳамда узрли сабабларга кўра сайловга кела олмаган сайловчилар томонидан (шифохоналарда, хонадонларда) овоз бериш жараёнини кузата олмайди. Шунингдек, сайлов куни овоз бериш хонасида 12 соат давомида кузатувчилик қилишни бир киши уддалаши қийин. Ана шуни ҳам эътиборга олиб, унга ёрдамчи ёки қўшимча кузатувчи ажратилиши мумкинлиги қонунда кўрсатилса, яхши бўларди.

Қонун лойиҳасидаги 36-моддада сайлов бюллетенининг ўнг томони юқори бурчагига участка сайлов комиссиясининг икки аъзоси имзо қўйиши, 39-моддада сайлов комиссияси раисининг комиссия аъзолари ҳозирлигида сайлов қутисини муҳрлаши, 41-модданинг охирги хатбошисида айрим сайловчилар саломатлиги яхши эмаслиги ёки бошқа сабабларга кўра овоз бериш биносига кела олмаган ҳолларда, сайлов комиссияси аъзолари овоз беришни ана шу сайловчилар турган жойда ташкил этишлари, 42-модданинг 2-бандида сайлов қутиларини участка сайлов комиссияси томонидан очилиши кўрсатилган. Лекин ушбу жараёнларда кузатувчилар иштироки аниқ кўрсатилмаган. Бинобарин, юқоридаги қоидалар «кузатувчилар иштирокида» жумлалари билан тўлдирилиши мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Собиржон УСМОНОВ,
сиёсатшунос.

Шу азиз Ватан – барчамизники

ТОТУВЛИКНИНГ БАҲОСИ ЙЎҚ

Донишмандлар бирор кишини эркалаб қўймоқчи бўлсалар «Ҳа боланг кўпайгур» дейишади. Навоий тумани «Нарпай» ширкат хўжалигида яшовчи Виктор ва Татьяна Клепенколар оиласи шундай «қойиш» эшитган бўлсалар, ажаб эмас. Уларнинг 17 нафар фарзанди бор. Қирқ саккиз ёшли Виктор Евгеньевич, қирқ етти ёшли Татьяна Эдизудовна атрофида ўн қиз, етти ўғил парвона.

Ташқаридан қараганда бу оиланинг бошқалардан фарқи йўқдек. Аммо мўъжазгина дарвозадан ичкарига кирсангиз олам кўзингизга ўзгача файз билан намоён бўлади. Торроқ ҳовли чиннидек супирилган, ҳаммаёқ озода, турфа хил гулларнинг анвойи ҳиди димоққа урилади, дарахтларнинг мевали шохлари ерга теккудек, толлар тагидаги сўриларда доимо болалар қаҳқаҳаси.

– Ҳар гал бу хонадонга келганимда меҳмондўстлик, самимият, инсон қадру қимматини юрак-юракдан ҳис этаман, – дейди қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Тўрақул Мирзаев. – Гўё бундай нодир инсоний фазилатлар иноқ оиланинг ҳар бир аъзосига гўдаклигида, она сути билан қон-қонига сингиб кетгандай.

Виктор Евгеньевич кўп йиллар Навоий қурилиш бошқармасида ҳайдовчи бўлиб ишлади. Асли Россиянинг Томск шаҳрида туғилган бўлиб, 1970 йилда қишлоғимизга кўчиб келган. Ҳудудимизда 2680 оила бор, уларнинг кўпчилиги серфарзанд. Лекин ҳеч бири Клепенколар оиласига тенглашолмайди. 17 фарзандни оқ ювиб, оқ тарашнинг ўзи бўлмайдида. Оиладаги тотувликни хонадон бекаси Татьяна опасиз тасаввур этиш қийин. Ширин сўз, хушмуомала аёл ўзбекчилигимиздаги барча фазилатларни ўзлаштирган десам хато қилмайман. Қишлоқ аёлига хос самимият, соддалик меҳнатсеварлик у кишида тўла мужассам. Болаларининг ҳаммаси миллий урф-одатлар тарафдори. Умуман олганда, оиладаги соғлом муҳитнинг бола тарбиясига беқиёс таъсирини шу хонадон тимсолида яққол кўриш мумкин.

– Бир нарсани алоҳида таъкидлашни истардим, – дея суҳбатга қўшилди маҳалла фаолларидан бири Убайдулло Бўриев. – Бу оилада камол топаётган фарзандлар бир-бирлари билан бирор марта «сан манга» борганини эшитмаганмиз. Уларнинг беш нафари шаҳарда, бошқалари шу кўчамизда истиқомат қилишади. Байрам кунлари хонадонга ташриф буюришса, ҳовли тўйхонага айланади қолади. Хонадон соҳиби ва соҳибаси доимо покизаликка, ҳалол яшашга интилиб, фарзандлари ва невараларини ҳам шунга ундайди.

Клепенко оиласи ҳақидаги фикрларни эшитарканман, отам раҳматли айтган воқеани эсладим: Бир чолнинг беш нафар ўғли бўларкан. Табиатлари беш хил экан. Муросасизликлари шундан. Ота кўп ўйлаб, қизиқ йўл тутибди. Ноаҳил фарзандларини навбат билан ўрмонга юборибди, бир дарахтни кесиб олиб келишни сўрабди. Бешови ҳам боши эгик қайтибди. Мийиғида кулиб қўйган ота бешовини бирга юборибди. Улар баҳайбат дарахтни елкаларида дадил кўтариб, шодликдан бошлари осмонга етгудек қайтишибди. Чол ўғилларига чап қўлини кўрсатиб, ўнг қўлида таъкидлабдики, бармоқлар алоҳида-алоҳида ҳолда ҳеч нимага ярамайди. Мабодо бирлашсами, муштга айланади.

Шу-шу ака-укалар ҳамжиҳатлик билан умр кечиришган экан. Клепенколарнинг фарзандлари аҳиллик борасида бояги фазилатлари достон бўлган оға-инилардан қолишмайди. Қишлоқдаги қайси бир хонадон эшигини очманг, серфарзанд оиланинг у ёки бу ҳислатларини таъкидлашига ишонч ҳосил қилдик.

Наинки улар, Суранбой Умаров номли маҳалладаги ўзбек, қирғиз, украин, рус, татар, туркман, корейс, немис ва бошқа миллат ва элат намояндаларининг ташвишлари бир, шодликлари муштарак, орзу-ўйлари уйғун, режалари эса пайванддир. Бир оила аъзоларидек умргузаронлик қилишаяпти. Деярли барчаси ўзбек тилини сув қилиб юборишган. Қадрдонлар бир-бирларидан қиз олиб, қиз бериб, қуда-анда бўлиб кетишган. Тўйлар ғоят файзли ўтади. Тантаналарда турли миллат халқларининг куй-қўшиқлари янграйди.

– Яқинда Клепенколарнинг саккизинчи фарзанди – Екатерина ўзбек йигити Суннат билан умр ришталарини боғлади, – деди кўпни кўрган отахонлардан бири Ортиқ ака Омонов. – Бир тўй бўлдики, ҳавас қилса арзигулик. Қалбимда муҳрланиб қолди, бу оқшом, Дўстлик қудратли кучлигини яна бир бор намойиш этди. Ахир, қаерда ҳамжиҳатлик, меҳру-оқибат кучли бўлса, одамлар бахтли яшаши, ҳаёт осуда кечиши азалдан маълумда. Бугина эмас, ҳеч қандай ғаразли куч бахтли кунларимизга раҳна сололмайди. Тўкин дастурхон атрофида йиғилган турли миллатга мансуб кишиларни бир-бирларига қадрдонлиги, меҳрибонлигини кўриб қалбим тўлқинланиб кетди. Татар фарзанди ўзбек мумтоз қўшиғини ижро этганда ҳаяжонланмаган одам қолмади.

– Клепенколарнинг тўнғич фарзанди – Еленани келин қилганмиз, – дейди қуда бўлмиш Искандар оға. – Ўғлим Шуҳрат билан аҳил яшаяпти, неваралар мактабга қатнайди. Келин «Навоийазот» ишлаб чиқариш бирлашмасида ишлайди. Шундай миллий таомлар пиширадики, уларни тановвул қилган киши отасига минг раҳмат дейди. Мен туркманман. Келин туркманчани ҳам ўзбек тилидан кам билмайди. Умуман, қудалар оиласида тарбия топган фарзандларнинг ҳаммаси мўмин-қобил.

– Ўзбеклар азалдан серфарзанд халқ, – дейди Татьяна опа, – ўнта бўлса ўрни бўлак, қирқта бўлса қилиғи, деган нақлни заб топиб айтишганда. Унда ўзига хос ҳикмат, ажиб бир донолик мужассам. Оиламизда ана шу ақидага доимо амал қилинади. Ота-онадан ёлғиз эдим. Эсимни танибманки, ўзбеклар қуршовидаман. Серфарзанд оилаларга ҳавас қилардим. 30 йил олдин Нарпай қишлоғига келин бўлиб тушдим. Қўни-қўшниларимиз бағрикенг, меҳмондўст, борларини аямайдиган инсонлар. Ҳаётимда улардан жуда кўп яхшиликлар кўрдим. Яширмайман, қийналган кезларимда яхшилар ҳолимиздан хабар олиб, кўнглимизни кўтаришди.

Ҳозир оиламиз байналмилал. Келин ва қуёвлар орасида 6 миллат вакиллари бор. Ўзбекистон – умумий уйимизда. 9 фарзандим мактаб ва боғчага қатнаяпти.

Байрамки, ҳамқишлоқларимиз бизни эсдан чиқаришмайди. Аҳволимиз, турмушимиз учун қайғураётган, фарзандларимизнинг соғлом ва баркамол ўсишларига ғамхўрлик қилаётган, ширин каломларини дариғ тутмаётган туман ҳокимлиги, ташкилотлар, корхоналар ва ширкат хўжалиги раҳбарларига – ҳамма-ҳаммасига қуллуқ қиламиз. Раҳмат, сизга азиз одамлар, дегим келаверади. Ишонтириб айтаманки, фарзандларимизнинг ҳаммаси мустақил Ўзбекистон тараққиётига, халқимиз фаровонлигига хизмат қилади.

Биз оиланинг кам-кўсти билан қизиқдик. Маълум бўлдики, етишмовчиликка ўрин қолмаган. Анчагина майдонда ёз ноз-неъматлари етиштирилаяпти. Ҳовлида парранда, қуён, қўй-эчки парваришланмоқда. «Навоийазот» ишлаб чиқариш бирлашмаси микроавтобус совға қилган. Оила Қизил ярим ой жамияти вилоят бўлимининг доимий эътиборида. Виктор ака ўғли Алексей билан шахсий «Икарусь» автобусида кишилар узоғини яқин қиласяпти. Хуллас, саккиз фарзанднинг ишлаб топгани етиб ортади. Ҳар йили тўй ўтказишга ҳам маблағ топилаяпти.

Мамлакатимизда бундай бахтиёр оилалар жуда кўп. Улар ягона хонадонимиз – Ўзбекистонда тинч осуда яшаб келаётганидан бахтиёр. Ҳамма жойда мана шундай тотувлик бўлса, биз кўзлаган мақсадимизга албатта етамиз.

Абдуваҳоб ПИРМАТОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Истеъмолчи ҳуқуқи ҳимояси

Вазирлар Маҳкамасининг "Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишда жамоатчилик иштирокини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорининг ижроси Тошкент вилоятида ўз самарасини бермоқда.

Вилоятнинг барча шаҳар ва туманларида истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари ҳамда юзлаб таянч гуруҳлари фаолият кўрсатмоқда. Мазкур нодавлат жамоат ташкилоти ички бозорда сотилаётган товарлар ва кўрсатилаётган хизматлар сифати ва хавфсизлиги устидан жамоатчилик назоратини ўрнатди.

Олмалиқ шаҳридаги шундай жамият аъзолари бир қатор савдо ва хизмат кўрсатиш корхоналарида мониторинг ўтказди. Натижада истеъмолчилар ҳуқуқи қўпол равишда бузилаётгани, энг ачинарлиси, сотилаётган озиқ-овқат маҳсулотларининг нафақат истеъмолга яроқсизлиги, ҳатто саломатлик учун анча хавфли эканлиги маълум бўлди.

Жумладан, "Рохел" хусусий корхонасига қарашли савдо дўкони сотувчиси М.Эшмуҳамедова сотаётган "Малика" вафлиси текшириб кўрилганда, товарнинг 2002 йил 16 октябрда ишлаб чиқарилгани ва истеъмол муддатидан тўрт ой ўтиб кетгани маълум бўлди. "Докторская" ҳамда "Ветчина" колбасаларининг ишлаб чиқарилган вақти умуман кўрсатилмаган. Сотувчи эса уларни ўйламай-нетмай сотяпти.

"Савдо" масъулияти чекланган жамиятга қарашли 11-озиқ-овқат дўконида истеъмол муддати аллақачон ўтиб кетган "Сливочное" сарёғи, "Печка" маргарини қонунга хилоф равишда сотилаётган бўлса, "Анса" хусусий фирмасининг "Ягодна" павильонида сотувчи харидорга ҳамиша ҳам касса чеки беравермаслиги аниқланди.

Мониторинг натижаларига кўра "Савдо" ва "Рохел"нинг ҳар бирига энг кам иш ҳақининг 500 баробари миқдорида жарима солинди. Бу беш миллион сўм дегани.

Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя этишга қаратилган қонунлар талабларини қўпол равишда бузаётгани учун "Хусусий ташувчи" уюшмаси ҳамда "Газель-РАФ" шўъба корхоналари энг кам иш ҳақининг юз баробари миқдорида жаримага тортилди. "Тошкент-Телеком"нинг Олмалиқ шаҳар бўлими ҳамда "Яхши ният" уй-жой мулкдорлари ширкатига эса сўнгги қатъий огоҳлантириш берилди. "Светлана", "Анса" хусусий фирмалари, "Юлдуз" масъулияти чекланган жамияти, "Тожиқул ота" чойхонаси раҳбарлари ҳам қаттиқ огоҳлантирилди.

Истеъмолчининг ҳуқуқи қачон тўлақонли ҳимоя қилиниши, сотувчи ва хизмат кўртсатувчилар мижозлари билан талаблар даражасида ҳисоблашиши мумкин? Қачонки истеъмолчи ўз ҳақ-ҳуқуқини таниса ва уни тўғри талаб қила билса. Бошқача айтганда, савдо ва хизмат кўрсатиш маданияти ҳамда сифатининг янада юксалиши истеъмолчига ҳам боғлиқ. Истеъмолчи эса барчамиз.

Неъмат ДУШАЕВ,
ЎзА мухбири.

Пахтакор учун масъулиятли давр бошланди. Ғўза шиғил кўсаклади. Айрим майдонларда барака нишонаси — пахта очилди. Ҳосил тақдирини ҳал қилувчи ушбу палада кўсак қурти ва бошқа ғўза зараркунандаларига қарши биологик кураш ишлари бошлаб юборилди. Айниқса, бу иш Хўжаобод туманидаги «Ўзбекистон» ширкат хўжалигида яхши йўлга қўйилган. Айни кунларда биолабораторияларда фойдали ҳашаротлар ғўза далаларига тарқатилаётир. Бу эса, ўз навбатида ҳосил самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

СУРАТДА: биолаборатория ходими Холисхон Давронова иш устида.

Шуҳрат ОЛИМОВ
(ЎзА) олган сурат.

Божхона бекати

Оғунинг йўли тўсилди

Сурхонадарё вилояти божхона бошқармасининг Контрабанда ва Божхона қоидалари бузилишига қарши кураш бўлими ҳамда Миллий хавфсизлик хизмати бошқармаси ходимлари ҳамкорликда юртимиздан олиб ўтилиши мўлжалланган кўп миқдордаги гиёҳванд моддасини аниқладилар.

«Сариосиё» темир йўл бекатида Тожикистон Республикаси Турсунзода шаҳар Алюминий заводидан Эстония Республикаси, Таллин шаҳрида жойлашган акционерлик жамиятларидан бирига транзит режимида ўтиб кетаётган 2001-сонли юк поездининг 66783 кило ишлов берилмаган алюминий ортилган юк вагони тегишли тартибда божхона назоратидан ўтказилди. Шунда вагоннинг таг қисмига қўйилган 5 килограммга яқин «героин» гиёҳванд моддаси яширинча олиб ўтилаётганлиги аниқланди.

Шунингдек, «Гулистон» ҳудудидаги айланма йўлларда ўтказилган тезкор чора-тадбирлари мобайнида Тожикистон Республикаси фуқароси Қурбонов Саиднинг қўл сумкасидан 1,5 килога яқин героин гиёҳванд моддаси топилди. Мутахассисларнинг таъкидлашича, агарда республикамиздаги нархи 100 минг АҚШ доллари атрофида баҳоланувчи 6,5 кг. га яқин ушбу заҳри қотил ўз вақтида ушлаб қолинмаганида у минглаб одамлар гиёҳванд бўлиб қолишига сабаб бўлиши мумкин экан.

Пул учун жони ҳалак кимсалар ўз қилмишлари оқибатида қанчаданқанча оилалар чилпарчин, болалар зор қақшаб етим ёки мажруҳ бўлиб қолиши мумкинлигини ҳеч ўйлаб кўришганмикан.

Яхшиям уларнинг жирканч ҳаракатига ўз вақтида барҳам берилди.

Ҳозирда ушбу ҳар иккала ҳолат юзасидан суриштирув ишлари олиб борилмоқда.

Давлат божхона қўмитаси матбуот хизмати.

Кичик бизнес:

ҚОНУН БУЗИЛИШИГА КИМ АЙБДОР?

Айни пайтда республикамизда 240 мингга яқин тадбиркорлик субъекти фаолият юритаяпти. Таъкидлаш жоизки, кичик ва ўрта бизнеснинг мамлакатимиз иқтисодиётига қўшаётган ҳиссаси тобора кўпайиб бормоқда. Хусусан, уларнинг ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқаришдаги улуши 36,4 фоизга етди. Бу кўрсаткични яқин йилларда 50-60 фоизга кўтаришнинг имкониятлари мавжуд. Бироқ бунга соҳадаги айрим муаммолар, сунъий тўсиқлар, тадбиркорлар фаолиятига ноўрин ва ноқонуний аралашишлар халал бераётир.

Албатта, мавжуд нуқсонларни бартараф этиш юзасидан Президентимизнинг бир неча фармонлари, ҳукумат қарорлари қабул қилинди. Ана шу ҳужжатларга кўра, хўжалик субъектларини режа-жалвалда белгиланган ташқари текшириш ман этилди. Бироқ Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси мутахассислари томонидан ўтказилган 2002 йилдаги ноқонуний текширишлар бўйича мониторинг жараёнида ҳамон қонунбузилиш ҳолатлари содир этилаётгани маълум бўлди. Жумладан, солиқ идораси, прокуратура, "Ўзстандарт" агентлиги, СЭС ва бошқа ташкилотлар ҳамон Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг рухсатисиз ноқонуний текширишлар ўтказмоқда. Масалан, Тошкент шаҳрида фаолият кўрсатаётган якка тартибдаги тадбиркор А. Дўстмуҳаммедов Шайхонтоҳур туманн прокуратураси ҳузуридаги солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши курашиш бўлими ходимларининг ноқонуний текшириш олиб борганн хусусида республика Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатасига расман мурожаат қилган. Палата мутахассислари ушбу ҳолат бўйича асосли хулоса тайёрлаб, уни Бош прокуратура ҳузуридаги солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши курашиш департаментига тақдимнома киритди. Натижада юқорида қайд этилган текшириш қарори бекор қилинди.

2003 йилнинг 1 чорагида ҳам Сирдарё вилояти тадбиркорлик субъектларида турли-туман ташкилотлар томонидан 15 марта ноқонуний текширишлар ўтказилган. Мисол учун вилоят монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш ҳамда истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бошқармаси ходимлари "Гуландон" хусусий корхонасини тегишли тартибдаги буйруқсиз, Мувофиқлаштирувчи кенгаш рухсатисиз текшириш ўтказган.

Албатта, ўзбошимча текширувчиларга нисбатан жиддий чоралар кўрилаётир. Жумладан, 2002 йилда республика Бош прокуратураси ҳамда Адлия вазирлиги томонидан барча вилоятларда бозор ислоҳотларига оид қонунчиликка риоя этиш ўрганилганда қатор қонунбузилиш ҳолатлари аниқланди. Ўрганиш натижалари юзасидан киритилган тақдимномалар асосида 290 нафар амалдор эгаллаб турган лавозимидан озод қилинди. Тадбиркорларнинг ҳуқуқларини қўпол равишда бузган 214 нафар мансабдор шахс маъмурий жаримага, 31 нафар шахс жиноий жавобгарликка тортилди.

Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, тадбиркорликни ривожлантиришда хўжаликлар ва корхоналар ўртасида тузилган контрактация шартномаларининг механизми яхши ишламаяпти. Кредит олиб фаолият юритаётган деҳқон ва фермерлар, тадбиркорлар етказиб берган маҳсулоти, бажарган ишлари учун ўз вақтида ҳақ ололмаяпти. Натижада уларнинг дебиторлик қарзлари кўпаймоқда. Кредитни узиш учун эса ишбилармонлар бизнес-режада кўрсатилган харажатлардан баъзан четланишга мажбур бўлмоқдалар. Бу ўз навбатида "Кредитдан номақсад фойдаланилган" деган муаммони келтириб чиқармоқда. Тўғри, айрим ҳолларда тадбиркорлар узоқ муддатли кредит шартномасини амалга ошириш жараёнида вақт ёки шароит тақозоси, истеъмолчи талабидан келиб чиқиб, бизнес-режада кўрсатилган харажатларни бироз четлаб ўтади. Одатда бундай харажатлар жами кредитнинг 10-20 фоизини ташкил қилади, холос. Ҳозирга қадар кредит маблағларидан "мақсадсиз" фойдаланилганликни баҳолашнинг на назарий, на амалий мезонлари ишлаб чиқилмагани эса тадбиркорлар билан бюджетдан ташқари фондлар, суғурта идоралари ва бозор инфратузилмасидаги бошқа ташкилотлар ўртасида зиддиятларни туғдирмоқда.

Мавзуга қайтиб

Маълумки, ҳудудлар инфратузилмасини ривожлантириш тўғрисида қарор ва истиқбол режаларини қабул қилиш ахборотлар таъминоти билан чамбарчас боғлиқ. Шунинг учун ҳам мамлакатимиздаги ҳар бир вазирлик, уюшма, компания ёки давлат бошқарув идоралари ўзининг ахборотлар тизимига, маълумотлар базасига эга. Бироқ бу тизимлардан фойдаланиш учун тадбиркорларга имконият қолдирилмаган. Улар учун ягона ахборот маконини ташкил этишни эса ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда.

Тадбиркорликнинг кенг қанот ёйиши, унинг ривожланиши билан боғлиқ масалаларнинг ҳукумат даражасидаги муҳокамасида, соҳага оид қарорлар қабул қилиш амалиётида ҳақиқий тадбиркорларнинг кўпроқ иштирок этиши мақсадга мувофиқдир. Мувофиқлаштирувчи кенгашлар, нуфузли ва ишчи комиссиялар таркибига ҳам аксарият расмий кишилар, нари борса назариячи олимлар киритилади. Шу боисданми, баъзи ҳолларда расмий ҳужжатлар ижро учун қулай, аммо тадбиркор учун унчалик қулай бўлмаган шаклда қабул қилинмоқда. Яна шуни қўшимча қилиш керакки, қабул қилинаётган расмий, меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар шу даражада кўпки, ҳатто анчайин тажрибали, саводхон тадбиркор ҳам уни тез ўрганиб, амалиётда қўллашга улгура олмаётир. Бу борада қабул қилинаётган қонунлар, фармонлар, қарорлар моҳиятини кенг халқ оммасига содда ва лўнда тарзда етказишда газета, телерадио журналистларининг ҳам малакаси бир оз етишмаяпти.

Қишлоқлардаги кичик ва хусусий тадбиркорлик субъектлари, шунингдек, газ, электр қуввати, сув манбаларидан ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилар учун белгиланган имтиёзлардан фойдаланишда ҳам турли сунъий тўсиқларга дуч келишмоқда. Шунингдек, тадбиркорлар олдида хомашё таъминоти ва ишлаб чиқарган маҳсулотларини сотишда ҳам талай муаммолар мавжуд.

Ҳозирги кунда ҳудудий хўжалик судлари вилоят марказларида ишлаётганини ҳам таъкидлаб ўтиш жоиз. Олис қишлоқ, туман тадбиркорлари хўжалик судларида, шу жумладан, давлат бошқарув идораларида унинг ноқонуний хатти-ҳаракатидан ўз манфаатларини ҳимоя қилишга тўғри келса, вилоят марказларига бир неча бор қатнаб, харажатга тушмоқдалар. Айрим ҳолларда суд жараёнлари ойлаб, йиллаб чўзилишини ҳисобга олсак, сарф-харажат қанчалик ортишини англаш қийин эмас.

Мавриди келганда кичик бизнеснинг ижтимоий вазифаси, жамият олдидаги аҳамияти унинг иқтисодий вазифасидан кам эмаслигини ҳам айтиб ўтиш жоиз. Зеро, аҳолининг иш билан бандлиги ва даромадини ошириш борасида кичик бизнес кенг шароит яратиб берибгина қолмай, ижтимоий қатламлар ўртасида кескин тафовутлар келиб чиқишининг олдини ҳам олади. Бу давлат сиёсати даражасидаги масаладир.

Бугунги кунда мамлакатимиз иқтисодиётида банд бўлган аҳолининг 60 фоизга яқини кичик ва ўрта тадбиркорлик соҳасида банд эканлигини инобатга олсак, юқорида таъкидланган тизимдаги камчилик ва муаммоларни ниҳоятда тез бартараф этиш кераклиги яққол ойдинлашади. Бунга ижодий ёндашиш ўз навбатида мамлакатимиз иқтисодий салоҳиятининг юксалишига замин яратади.

Саидолим ҲАЙДАРОВ,
"Халқ сўзи" мухбири.

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН

АМУ СОҲИЛИДАГИ МУЛОҚОТЛАР

Бугунги Қорақалпоғистон макроиқтисодиётдаги мисли кўрилмаган ўзгаришлар ўлкасига айланмоқда. Ҳар қадамда, ҳар қарич ерда мустақиллик меваларини кўрасиз. Хоҳ янги темир йўл орқали ажойиб, қулай вагонларда тўғридан-тўғри пойтахтга отланинг, хоҳ Нукус аэропортининг Европадаги муҳташам қўнимгоҳларни эслатадиган кутиш залида хушбўй қаҳва ичинг, хоҳ Қорақалпоғистон давлат санъат музейининг ўтмиш нафаси уфуриб турган экспонатларини томоша қилинг, барча-барчасида мамлакатимиз Президенти ва ҳукуматининг доимий ғамхўрлигини ҳис қиласиз.

Бетизгин, бежилов табиат 1999, 2000, 2001 йилларда Қорақалпоғистон Республикасининг заҳматкаш халқини жиддий синовлардан ўтказди. Қуйи Амударё ҳавзасида оқар сув манбаларининг кескин камайиб кетиши воҳада халқ хўжалигининг асосий тармоқларида сезиларли қийинчиликларни келтириб чиқарди. Айниқса, шимолий туманларда наинки деҳқончилик, балки ҳаёт кечиришнинг оддий имкониятлари ҳам чекланди. Шунда бутун мамлакат Қорақалпоғистонга ёрдамга келди. Тошкент ва Тўрақўрғон, Фарғона ва Фориш, Бекобод ва Бўз, мамлакатнинг ўнлаб шаҳар ҳамда қишлоқларидан Оролбўйига ичимлик суви элтувчи транспорт воситалари, озиқ-овқат карвонлари отланди. Айни чоғда Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятидаги сув тақчиллиги оқибатларини бартараф қилиш юзасидан Вазирлар Маҳкамасининг бир неча қарори ҳаётга татбиқ этилди. Президентимизнинг ушбу ҳудудда кичик ва ўрта бизнес ривожи учун имтиёзлар белгилаб берган Фармони улкан ўзгаришларга йўл очиб берди. Мисол учун келтириб ўтиш мумкинки, жорий йилнинг олти ойида Қорақалпоғистондаги кичик ва ўрта бизнес субъектлари сони деярли 1900 тага кўпайди.

Қорақалпоғистондаги ўсиш-ўзгариш аломатларини бошқа жойлардаги каби Кегайли тумани мисолида ҳам кўриш мумкин. «Халқ сўзи» ва «Народное слово» газеталари вакилларининг туманга сафари чоғида бунга тўла ишонч ҳосил қилдик.

2003 йилнинг 2 августи. Эрталабки соат 10. Кегайли шаҳридаги Қурилиш касб-ҳунар коллежи гавжум. Меъморчилигимизнинг энг сўнгги анъаналарига биноан барпо этилган бу бино одамнинг ҳавасини келтиради. Бино олди мевали ва манзарали дарахтлар, гулзорлар билан янада файзлироқ кўринади. «Халқ сўзи» ва «Народное слово» газеталарининг истиқлол байрами арафасидаги учрашувига Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, газеталар таҳририятидан келган меҳмонлар, шоир ҳамда ёзувчиларни бир-биридан ёқимтой ўғил-қизлар нон-туз, анвойи гуллар билан қарши олишди. Биринчи жажжигина қизалоқнинг бошига бежиримгина қилиб «1991» рақамлари ёзилган. Кейин «1992», «1993», «1994»... Бора-бора мустақиллигимиз йилма-йил, қадам-бақадам улғайганидек, мустаҳкамланганидек, ўғил-қизларнинг бўйи ҳам баландлаб боради. Фақат юзларидаги қувонч бир хил – бу бахт ёғдуси, ўз замонидан мамнунлик таровати. Бу ёғдуни, бу тароватни кўриб учрашувнинг энг сийли меҳмони ва мезбони (у бундан 74 йил муқаддам айнан Кегайли заминида туғилган) Қорақалпоғистон Ёзувчилар уюшмаси раиси, Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон халқ ёзувчиси Тўлапберген Қаипбергенов беихтиёр кўзларига ёш олди:

– Болаларим, бундайин бахт ҳеч замонда бўлган эмас. Сизларни, Сизлар учун барпо этилган бу ажойиб кошонани кўриб ўзимнинг болалигим эсимга тушиб кетди. Мен шифтидаги тирқишлардан осмондаги булут парчалари кўриниб турган эски мактаб биносида ўқиган, 1937 йили Шўртанбойдан тиззамгача лой кечиб Кегайлига дарслик олгани келган эдим. Ҳозир ўша воқеалар, машаққатлар кўз олдимдан кино лентасидек ўтиб турибди. Шуларни эсласам бугунги кунимизга қайта-қайта шукрона айтаман!

Меҳмонлар коллеж фойесида туман фермерлари, тадбиркорлари, ҳунармандлари кўргазмасини зўр қизиқиш билан томоша қилишди. Томчида қуёш акс этганидек, кўргазмада Кегайлининг бугунги ютуқлари-ю қиёфасини кўриш мумкин. Ана, «Қувонч» фермер хўжалиги етиштирган олтиндек буғдой бошоқлари. Кегайли деҳқонлари жами 10 минг тоннадан ортиқ буғдой етиштирди. 2001 йил кузагида сув тақчиллиги муносабати билан озгина майдонга буғдой экилган, пировардида 2002 йил ёзида атиги 339 тонна сара дон сотилган эди. Жорий йилда Ватан омборларига 6000 тонна дон сотилди. Бу ўтган йилга нисбатан 17 баробар кўп деган макдир. «Қувонч» фермер хўжалиги кўргазмада ўз буғдойидан тайёрланган нон ва макарон маҳсулотларини ҳам намойиш этди.

Кегайли азалдан бахши, оқинлар, қўшиқчилар эли. Айниқса қиссагўй шоир Содиқ Нурумбетовнинг шуҳрати бутун Турон замини бўйлаб тарқалган. Айни чоғда кегайлилик қўли гул усталар олис асрлардан буён тут дарахтидан дуврўги дунёга кетган ажойиб дуторларни ясаб келишади. Бу борада Сейитниёз устанинг номи Қўнғирот, Қизилўрда, Хива ва Бухоро, Томди ва Конимехгача бориб етган. Эндиликда унинг ишларини невараси Ўрозимбет давом эттирмоқда. У ясаган дуторлар меҳмонларни ҳайратга солди.

Энг муҳими, газеталар тадбири бутун туманнинг байрамига айланди. Коллеж залида ўттизинчи йиллар машаққатини бошдан ўтказган нуроний отахонлару онахонлар билан биргаликда эртанги кун эгалари ҳам ҳозир бўлишган. Ҳаммани кўзи эса бошларидаги хушбичим шаклларга мустақилликка эришган йилимиз ёзилган 12 нафар кўзмунчоқдек ўғил-қизларда. Уларнинг

депутати Пўлат Иматов сўзга чиқиб, газеталар тадбири Кегайлида ўтказилаётгани учун таҳририятга миннатдорчилик билдирди. Олиб борилаётган кенг кўламли ишлар тўғрисида қисқача гапириб берди. Шундан сўнг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қўмита раиси Искандар Қаландаров, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси қўмита раиси Худойберган Раимбергенов, Қорақалпоғистон Ёзувчилар уюшмаси раиси, Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон халқ ёзувчиси Тўлапберген Қаипбергенов, «Еркин Қорақалпоғистон» газетаси Бош муҳаррири ўринбосари, шоир, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган журналист Халилла Даулетназаров, ўқитувчи Қизларгул Қалимбетова, ёзувчи ва драматург Жарасиқбой Сержонов сўз олиб, «Халқ сўзи» ва «Народное слово» газеталарида чоп этилаётган мақолалар хусусида фикрлашдилар.

«Халқ сўзи» газетаси Бош муҳаррири ўринбосари Эсиргап Болиев, «Народное слово» газетаси бўлим муҳаррири, шоир Платон Дюгай таҳририят томонидан амалга оширилаётган фаолият юзасидан ахборот берди.

Кейин саҳнага учрашувнинг бош қаҳрамонлари, истиқлол тенгдошлари ҳаваскор ҳайкалтарош Дилшод Достонов, ҳаваскор рассом Матлуба Хўжанбоева, ҳаваскор шоира Насибали Мамбетризаева, ҳаваскор ҳунармандлардан Ерсултон Тажимуратов, Турсуной Наримбетова, Улзира Алламуратова, ҳаваскор бахши Улзода Нағметуллаева ва Муяссар Жуматова, қўшиқчиликнинг турли соҳаларида ўз салоҳиятларини синаб келаётган Гулмира Бекназарова, Ҳалима Ўрозалиева, Руслан Пак, ҳаваскор аскиячи Бекбой Ибрагимов – ўн икки нафар ўғил-қиз чиқишди. Айниқса Насибалининг шеъри, Руслан томонидан қорақалпоқ тилида ижро этилган қўшиқ, Улзода ва Муяссарнинг ўланлари кечага ўзгача завқ-шавқ бағишлади.

Улар «Халқ сўзи» ва «Народное слово» газеталари таҳририяти, шунингдек, ҳомий ташкилотлар совғалари билан тақдирландилар.

Учрашувда туман маданият бўлими ҳаваскорлари куй-қўшиқлари билан иштирок этишди.

Янгибой ҚЎЧҚОРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.



Ҳар қайси инсон буюк куч соҳибидир. Фақат уни уйғота билиш керак.

Ислом КАРИМОВ.

ХОРАЗМ

БУЮКЛАРГА БЎЙИН БЎЙЛАГАН ВАТАН

Юртимиз қутлуғ байрам – мустақиллик кунига тайёрланмоқда. Халқимиз ҳар галгидек бу шодиёнани муносиб нишонлашга тараддуд кўраётганлигини кўҳна Хоразм воҳаси мисолида ҳам кўриш мумкин. Улуғ неъмат – истиқлол боис, барча шаҳарлар, жумладан вилоят маркази Урганч ҳам янада кўркам ва обод бўлиб бормоқда. Бу ўзгаришлар йил сайин бўй кўрсатмоқда.

Хоразм – кўҳна тамаддун бешикларидан бири. Унинг тарихи ҳам бой. Бу юрт дунёга Ал-Хоразмий, Абу Райҳон Беруний, Жалолиддин Мангуберди, Нажмиддин Кубро, Аз-Замахшарий, Огаҳий, Паҳлавон Маҳмуд каби машҳур алломаларни етказиб берган табаррук замин.

Мустақиллик йилларида Хоразм вилоятида бир қатор йирик саноат объектлари бунёд этилди. "Гурлан" АЖ, "Даритал", "Хоразм-Нуртоп", "Унихо" қўшма корхоналари, "Хоразм шакар", очиқ ҳиссадорлик жамияти шулар жумласидан. Бу ерда Хива шаҳрининг 2500 йиллиги, Урганчнинг 350 йиллиги, қадим "Авесто" асари яратилганлигининг 2700 йиллиги каби жаҳон миқёсида эътироф этилган катта тантаналар нишонланганига гувоҳмиз. Айни пайтда Жалолиддин Мангуберди, Ал-Хоразмий, Ал-Беруний хотира-ёдгорлик мажмуаси бунёд этилганлиги аждодларга бўлган ҳурмат-эҳтиром рамзидир.

Яқинда вилоятнинг бир қатор минтақаларида республикамиз Мустақиллигининг 12 йиллигига бағишлаб "Халқ сўзи" ва "Народное слово" газеталари таҳририятлари билан воҳа аҳолиси учрашувлари бўлиб ўтди. Тантаналар дастлаб Хива туманининг Беруний ширкат хўжалигида бошланди.

Хива вилоятдаги энг пешқадам туманлардан. Бу ерда барча соҳаларда олиб борилаётган ислоҳотлар, эришилаётган ютуқлар диққатга сазовор. Туманда мулкчиликнинг турли шаклидаги корхона, муассаса, ташкилот ва хўжаликлар фаолият кўрсатмоқда. Шундан 601 таси фермер хўжалиги, 620 га яқини кичик хусусий корхона ва фирмалардир. Туманда учта йирик қўшма корхона ишлаб турибди. Айниқса ўтган йили ишга туширилган "Хива-Карпет" қўшма корхонаси ишлаб чиқараётган гиламлар хорижий давлатларда ҳам машҳур. Бу корхона ишга тушгач, янгидан 500 та ишчи ўрни очилди. Йил охиригача мева ва сабзавотни қайта ишлайдиган иккита янги қўшма корхона бунёд этилади. Жорий йилнинг 6 ойида ишлаб чиқарилган саноат маҳсулоти ўтган йилгига нисбатан 62 фоизга ортди.

Шу йилнинг ўтган ярим йилида 20 минг 700 метр квадрат турар жой, бир ярим километр газ тармоғи, 5,6 км сув тармоғи ишга туширилди. Кўҳна Хивада 80 та савдо, 25 та умумий фойдаланиш, 4 та маиший хизмат объекти қуриб, фойдаланишга топширилди. Шаҳардаги марказий ўйингоҳ ва болалар спорт мактаби замон андозаларига мос қилиб таъмирланди. Хивалик деҳқонлар эришаётган ютуқлар ҳам салмоқли. Улар 19 минг гектарга яқин ерда деҳқончилик қилишяпти. Ғалла, пилла етиштириш режалари уддаланди. 7730 гектар ерда пахта парваришланяпти. Пахтакорлар 22 минг 263 тонна пахта хирмонини кўзлаб тер тўкишмоқда.



Хива шаҳри марказида бўлиб ўтган "Қутлуғ тўйинг муборак, юртим" деб номланган мазкур тантанали учрашувга кўп сонли газетхонлар, хоҳ кўҳна ва гўзал Хивага хуш келибсиз, дея қутлади. Сўнг ҳамма тўпланганларни Мустақиллигимизнинг яқинлашиб келаётган 12 йиллиги билан табриклаб, учрашув ташкилотчиларига самимий миннатдорчилик билдирди.

Сўнгра "Халқ сўзи" газетасининг бош муҳаррири ўринбосари Эсиргап Болиев байрамолди бу учрашувларнинг мақсад-моҳияти хусусида гапирди.

Самимий ва илиқ суҳбат кишиларни бир-бирларига яқинлаштиради. Шу боис бу мулоқот тезда байрамона тус олди. Учрашув иштирокчилари газетанинг ижодий ходимлари матбуотда шу куннинг долзарб масалаларини кўтариб чиқаётганлиги, турли муаммоларни тадқиқ этиб, халқ дилидаги гапларни айтишаётганлигини таъкидлашди.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг вилоят бўлими масъул котиби, шоир Ошиқ Эркин бу ерда мустақиллик йилларида амалга оширилган улкан бунёдкорлик ишлари, маданий-маънавий тадбирлар, ўзгаришлар тўғрисида жўшиб сўзлади. Учрашувда, шунингдек, таниқли шоирлар Матназар Абдулҳакимов, Жўшқин, Отабек Исмоилов, меҳнат фахрийси Рустам Файзиевлар сўзга чиқиб, она юртимиз, унинг меҳнаткаш халқи ҳақидаги самимий фикрларини изҳор этдилар.

– Мустақил Ўзбекистонимизнинг тенгдоши бўлган "Халқ сўзи" ва "Народное слово" газеталари шу давр мобайнида том маънода халқ кўнглидан жой топа олди, – дея таъкидлади Хива туманидаги 20-сон "Меҳрибонлик уйи"нинг директори, Ўзбекистон Қаҳрамони Вера Пак. – Биз бу газеталар саҳифаларида халқимизнинг меҳнатдаги жасорати, турмушимиздаги қувонч ва ташвишлар ошкора акс этаётганидан мамнунмиз.

Учрашув доирасида бўлиб ўтган танловда вилоятнинг турли туманларидан келган иқтидорли болалар иштирок этди. Уларнинг жажжи қўллари билан ясалган мисгарлик, тикувчилик, ёғоч ўймакорлиги намуналари катталар нигоҳида ҳаяжон ва ҳайрат уйғота олди.

Зебунисо Юсупова ва Шаҳноза Ёқубова тўқувчиликка, Санжар Хўжаев ёғоч ўймакорлиги, Гулноза Рўзметова юмшоқ ўйинчоқлар ясашга, Расулбек Ўрозбоев ва Зафар Тўлиевлар санъат соҳасига қанчалик меҳр қўйганлигини намойиш этди. Бошқа иқтидорли болаларнинг истеъдоди ҳам учрашув иштирокчиларида катта таассурот уйғотди.

– Бундай иқтидорли болалар тобора кўпайиб бораяпти, – деди Хоразм вилояти халқ таълими бошқармаси бошлиғининг биринчи муовини Комилжон Матризаев. – Бу эса мамлакатимиз раҳбариятининг ёш авлод баркамоллигига катта эътибор бераётганлигидан дарак беради. "Халқ сўзи" ва "Народное слово" газеталари мактабларимиздан бирини ўз ҳомийлигига олгани эса ана шундай эзгу ишга қўшилган улкан ҳиссадир.

Шундан сўнг ёш истеъдодларга таҳририятнинг эсдалик совғалари топширилди.

Кейинги учрашувлар Қўшкўпир туманида бўлиб ўтди. Энг муҳими, бундай самимий мулоқотлар матбуот ва халқни бир–бири билан янада яқинлаштирганлиги таъкидланди. Дарҳақиқат, шундай. Зеро, меҳр кўзда, дейдилар. Мақсади, интилишлари, орзу-истаклари бир бўлган халқнинг келажаги янада ёрқин бўлади. Аму бўйидаги бундай учрашувлар унутилмас лаҳзаларга айланиши, шубҳасиз.

Ойбек РАҲИМОВ,
Фарҳод МУҲАММАДИЕВ,
ўз мухбирларимиз.
Қадам ОТАЕВ ва Ўрозбой КЕЛИМБЕТОВ олган суратлар.

УЧРАШУВДА ЎҚИЛҒАН ШЕЪР

Бир сўз бор,
Ҳар недан улуғ, муқаддас,
Жаннат ҳавосидек табаррук тоти.
Агар у йўқ эса дунё бир қафас,
Фидо унга не-не мардлар ҳаёти.

Бир сўз бор,
Ҳар недан азиз, мўътабар,
Усиз бахт қасрининг дарвозаси берк.
Унингсиз бемаъни карвон-карвон зар,
Бир сўзки юракда жаранглагай:
ЭРК!

Бир сўзки, унингсиз татимасди ҳеч,
Минг бир вақти хушлик, минг битта шодлик.
Орзу ушалгани муборак халқим,
Юртим, қутлуғ бўлсин сенга Озодлик!

Нега севинмайин шу эл шўҳу шан,
Мустақиллик тўйин тўйлаб турибди.
Қувонмай бўлурми шу юрт, шу Ватан
Буюкларга бўйин бўйлаб турибди.

Нурли манзилларга етмоғи тайин,
Зўр ахир карвоннинг шижоат, шаҳди.
Муҳими,барг ёзиб гуллаб турса бас,
Ҳар битта юракда умид дарахти.

Она юрт!
Қучоғинг қўшиққа тўлсин,
Умидим шул эрур: яшна безавол.
Халқим!
Эркинг – бахтинг муборак бўлсин,
Мангуга омон бўл, сен ҳам Истиқлол!

Отабек ИСМОИЛОВ,
Хива шаҳри.

КОНДИЦИОНЕРЫ SAMSUNG
СПЛИТ - СИСТЕМЫ
По вопросам приобретения кондиционеров «SAMSUNG» за наличный и безналичный расчет обращаться по тел.: 155-75-75, 103-21-51, 186-07-71.
СВЕЖАЯ АТМОСФЕРА
3 года бесплатного сервиса на сертифицированную технику
ВНИМАНИЕ!
ГАРАНТИЯ ПРЕДОСТАВЛЯЕТСЯ ТОЛЬКО НА ТЕ КОНДИЦИОНЕРЫ «SAMSUNG», К КОТОРЫМ ПРИЛАГАЕТСЯ ОФИЦИАЛЬНЫЙ КУПОН
ПРИ ПОКУПКЕ КОНДИЦИОНЕРОВ «SAMSUNG» ТРЕБУЙТЕ У ПРОДАВЦА
ОСТЕРЕГАЙТЕСЬ! СЛУЧАЕВ ПРОДАЖИ КОНТРАБАНДНОЙ ТЕХНИКИ, НЕ ПОДЛЕЖАЩЕЙ ГАРАНТИЙНОМУ ОБСЛУЖИВАНИЮ.

Нурота мармарига харидорлар кўп

Яқинда "Нуротамармар" маҳсулотлари Россия пойтахти Москвада ўтказилган "Экспокамень-2003" халқаро кўргазмасининг махсус дипломи билан тақдирланди. Кўргазмадан сўнг Нурота мармарининг харидорлари ҳам кўпайди. "Ростов на Дону", "РосЎзинвест" фирмалари мармар плиталарга харидор бўлган бўлсалар, мармар блоклар костромалик тадбиркорларни кўпроқ қизиқтирди. Хуллас, россияликлар билан кўплаб шартномалар имзоланди.

Ўз мухбиримиз

КЎЧМАС МУЛККА ТАЛАБ ОШМОҚДА

Тошкент муниципал биржасида жорий йилнинг июль ойида 611 миллион 504 минг сўмлик ҳажмда савдо ўтказилди. Бир ой мобайнида 5 та аукцион ва 16 та биржа савдолари ташкил этилиб, уларда 132 та кўчмас мулк объекти, ижара ва бино қурилиши ҳамда хусусий турар жой қурилиши учун ер майдонлари сотилди.

Бундан ташқари, "Автомакон" савдо-кўргазма мажмуидаги 109-та дўкон ҳам савдога қўйилди. Уларнинг барчаси янги мулк эгалари қарамоғига ўтди. Харидорлар "Аҳмад Дониш" бозоридаги савдо шохобчаларини ижарага олиш ҳуқуқини ҳам қўлга киритдилар. Муниципал мулкнинг бозори чаққон: 5 та объект 36 миллион 677 минг сўмга сотилди.

TRAST TA'MINOT
ФОСФОХИМ ЗАКРЫТОЕ АКЦИОНЕРНОЕ ОБЩЕСТВО AZMOL
реализует со склада в Ташкенте
СМАЗКИ ТОВАР СЕРТИФИЦИРОВАН (пр-ва России, Украины)
Смазка 1-13; Литол-24; Фиол-1; Графит. жир.; ШРУС-4; Фиол-2; Технологич.СВ-1; ЖРО; ИП-1 л/з; Прессолидол Ж; ЛЗ- ЦНИИ; Солидол Ж; Графит. Термост. «ГТШ»; Смазка 158; Графит. электропров. ж/д. «КЖ»; Графит. для горяч. пресс. «ТСГ-7»; Циатим-201, 202, 203, 205, 208, 221.
Упаковка: 1л.; 25 л.; 200л.
АВТОШИНЫ (пр-ва "Нижнекамскшина")
260 X 508R (к-т) грузов.
7,5 X 20 (шт.) С/х шины
АККУМУЛЯТОРЫ (пр-ва СП "Осиё-Батарея") по цене завода изготовителя
Т.: 133-56-11, 133-55-61. Ф.: 133-89-09, 133-89-15.

«MAKSIMA» мебель салони
Италия, Испания, Польшадан келтирилган мебеллар, ёритгичлар, қандиллар, расмлар ва кўрпа-ёстиқ анжомларини таклиф этади.
«MAKSIMA» АРТ-дизайн студияси
хонадонингиз, ҳовлингиз дизайнини якка тартибда ишлаб беради. КАТАЛОГ бўйича буюртмангиз етказиб берилади.
Ўзбекистон бўйича етказиб ва йиғиб бериш – БЕПУЛ.
Тушликсиз ва дам олиш кунисиз ишлаймиз.
Манзилимиз: Д. Қўнаев (с. Саперная) кўчаси, 46-уй. (Мўлжал: «Мирабод» бозори) Телефонлар: 131-14-44, 152-75-94. E-mail: maxima@online.ru

ХАЛҚ БАНКИ – СИЗНИНГ ОИЛАНГИЗ БАНКИ !

ТЕАТР ТАЪТИЛДА

эканлигида кинотеатр билан телевидение унинг ўрнини боса оладими?

Бугуннинг гапи

Июлнинг одамни эритиб юборадиган иссиқ кунларидан бири. Ишхонага эртароқ келиб, газета тахламларини варақлаб ўтиргандим, телефон жиринглаб қолди. Гўшакни кўтардим.

–Эшитаман.

–Қизим, кеча пенсия олган эдим, театр ишламас экан. Набирамга келаси сафар навбат сеники деб қўйгандим. Йиғлаб ёнимда турибди, ҳойнаҳой ҳиқиллашини эшитаётгандирсиз?..

Узр-маъзур, салом аликсиз бошланган бу гап-сўзлар менга эриш туюлиб, гўшакни шартта қўйиб қўймоқчи ҳам бўлдим. Яхшиям шундай қилмаганим, яхши бир суҳбатдошдан айрилар эканман.

Суҳбатдошимнинг исми Ойимхон, ёши етмишда, эллик йил ўқитувчилик қилиб, ҳозир пенсияда экан. Биттагина ўғлидан уч набира кўрибди. Нафақа олганда набираларини галма-галдан театрга олиб бораркан. Июль ойи нафақасини олиб, навбати келган – иккинчида ўқийдиган набирасини етаклаб Қўғирчоқ театрига келса, жамоа дам олишда. Униси бўлмаса бунисида деб, Ёш томошабинлар театрига боришса, у ердагилар ҳам таътилда.

–Қачон ишлашини билиб берарсизлар деган умидда сизларга қўнғироқ қилаётгандим, - деди ая. –Аввалига томошаларга набираларимни олиб бориш менга ҳам эрмакдай нарса эди. Бора-бора мажбуриятга айланди. Ҳозир набираларим пенсия оладиган кунимни интиқлик билан кутишади. Театрларга бориш улар учун байрам. Аммо мен бу мажбуриятимни жон-жон деб бажараман. Чунки мурғаклигидан театрга бориб турган бола бошқача — қалби меҳр-муҳаббат, оқибат, мурувватга мўл бўлиб улғаяркан. Ота-оналар буни билиб қўйишса соз бўларди. Баъзилар, телевизор турганда театрга нима бор дейишар? Йўқ, ҳақиқий фарзанд тарбиялайман деган одам театрдан ҳеч қачон юз бурмаслиги керак. Унинг ўзига хос, бетакрор ўрни ва завқи бор.

Ая билан беш-ўн дақиқагина мулоқотни нурга қиёсладим дафъатан. Нур ҳамма ёқни поклайди, равшан қилади. Қанийди, ҳеч бўлмаганда ўнтадан битта одам театрни соғиниб турса... Йўқлаб турса...

Бугун кундан-кун кўркамлашиб, салобат ва улуғворлик касб этиб бораётган Тошкент кўчаларида жойлашган театрлар талайгина. Хадра майдонида қад кериб турган ўзбек Миллий академик драма театри, шоир Ғафур Ғуломнинг уймузейи билан девор-дармиён қўшни бўлган Муқимий номидаги ўзбек давлат мусиқий театри, зиёлилар масканига айланиб бораётган Алишер Навоий номидаги академик катта театр. Яна рус драма, мусиқали комедия оперетта театрлари, Аброр Ҳидоятов номидаги драма, Ёшлар, Ёш томошабинлар, Сатира, Қўғирчоқ театрлари-ю «Дийдор» театр студияси. Ҳар бирининг ўз томошабинлари ва мухлислари бор.

Театр — одамларни тарбиялайдиган маданий-маънавий даргоҳ. Айниқса, бугунги Истиқлол ғоялари ва қадр-қимматини халққа етказиш, англатишда, баркамол авлодни шакллантириш ва фидойилик, ватанпарварлик руҳида тарбиялашда унинг роли беқиёс. Театрда шундай бир жонли ҳаёт, яъни бизнинг кечаги кунимиз, бугунимиз ва эртамиз яшайди.

— Театр маданий тараққиёт билан узвий боғлиқ, — дейди тиббиёт фанлари доктори, Тошкент шаҳар шифокорлар малакасини ошириш институти кафедра мудири Мунира Асадова. — Истиқлол йилларида маънавият ва маданият ривожига давлатимиз жуда катта эътибор қаратди. Миллий театрнинг янги биноси қурилиши, безакларига қараб кўзингиз қувнайди. Яхлит саҳна асарининг ўзи. Яқинда Қозоғистондан келган олима дугонам Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислоҳотлар ва миллий истиқлол ғояси, аввало, халқнинг маънавий даражасини юксалтиришга хизмат қилишини шу бино мисолида кўрдим, деди ҳайрат билан.

— Мен Фарғона Политехника институтининг 2-босқич магистрантиман, — дея суҳбатимизга қўшилган истараликкина йигитнинг исм-шарифи Музаффар Абдурашидов экан. Ҳар гал Тошкентга келганимда Миллий театрга тушмасдан кетолмайман. Ўзбекистон халқ артисти Турғун Азизов ижро этган роллар — жону дилим. Саҳна асарини телевизорда ва саҳнада томоша қилишда ер билан осмонча фарқ бор. Саҳнада актёрни, жонли ҳаётни кўрамиз. У бизни ўйлашга, фикрлашга ундайди. Бу сафарги ташрифим июль ойига тўғри келиб қолди. Топшириқларни бажариб бўлгач, театрга югурдим. Театр жамоаси таътилга чиқиб кетган экан. Муқимий театрига бордим, у ерда ҳам таътил. Хуллас "Ўзбектеатр" ижодий ишлаб чиқариш бирлашмасига қўнғироқ қилиб суриштирсам, Сатира театридан бошқа барча театрлар дам олишда экан. Ўйланиб қолдим. Менга ўхшаган театр шинавандалари кўпдир. Улар бир ой ичида театрни соғиниб қолишади-ку. Шунинг учун театрларга навбати билан дам берилса мақсадга мувофиқ бўлармиди? Мен эса янги мавсум очилишида, албатта Тошкентга келаман.

Ҳа, Музаффарнинг гапларида жон бор. Энг муҳими, театрни соғиниб яшайдиганлар бор. Улар бир ойни кино кўриб, телевизор қаршисида ўтириб, театрларнинг янги мавсумини интизорлик билан кутишмоқда.

Дунёда биттагина аёл қолганда ҳам гўзаллик яшайверади, деган экан бир донишманд. Оздир-кўпдир, театрни соғиниб яшайдиган одамлар бор экан, театр санъати завол топмайди. Зотан, театр халқимизнинг маънавий, маданий ва ахлоқий фазилатларини янада юксалтиришга хизмат қилади, ижтимоий куч-қудрат беради.

Гулчеҳра ЙЎЛДОШЕВА,
"Халқ сўзи" мухбири.

Футбол

Куни кеча мамлакатимиз миллий чемпионатининг иккинчи давра беллашувларига старт берилди. Тўғри, биринчи давра ўз поёнига етибоқ, мутахассису журналистлар томонидан айни ўйинлар натижалари кенг таҳлил қилинди. Билдирилган фикр, ёзилган мақолаларда чемпионлик тожи учун ҳар йилгидек икки жамоа — «Пахтакор» ва «Нефтчи» даъвогар бўлаётганлиги, бу эса чемпионатимиз савиясига ўз таъсирини кўрсатаётганлиги рўй-рост айтилди. Ҳатто, шов-шувсиз беллашувларнинг кимга ҳам кераги бор, дея эътирозлар ҳам билдирилди. Аслида, бу даъволарда жон бор. Чунки, ҳар гал чемпионлик учун қайси жамоа ҳаёт-мамот «жанги»ни олиб бориши олдиндан маълум бўлиб қолса, устига-устак уларни ўзга клублар «тўхтата» олмаса, бу ҳол қай бир мухлисни зериктирмайди, дейсиз.



Жалилов жамоа танламайди

Аммо XII чемпионатнинг 16 тур учрашувлар натижаси айни эътирозларни бир оз бўлса-да, ўринсиз эканлигини кўрсатгандай бўлди. Дарвозаларга 25 бор тўп киритилди. Табиийки, 16 турнинг ҳам, йилнинг ҳам энг унутилмас баҳси бу водийнинг икки зўр гигант – «Навбаҳор» ва «Нефтчи» жамоалари ўртасида бўлиб ўтди. Шу куни қарийб 40 минг томошабин қаршисида ҳар икки жамоа бир қозонда «қайнашди»

Одатда, «Навбаҳор» ва «Нефтчи» ўртасидаги беллашувлар ҳамиша шиддатли ва муросасиз кечган. Бироқ бу галгиси, олий лига турнир жадвалида юзага келган бугунги вазиятдан келиб чиқиб айтадиган бўлсак жуда ҳам катта аҳамиятга эга эди. Негаки, фарғоналикларни ҳатто дуранг ўйнашлари ҳам чемпионат пешқадамликни яна «Пахтакор»га бўшатиб беришди. Шу куни фақат чемпионлик тожи учун астойдил тер тўкаётган пойтахтликлар «Дўстлик» футболчилари билан орани «очиқ» қилишди.

Тўғри, «Пахтакор»ни давралар оралиғида кучсизланиб қолган «Дўстлик»ни енгишига ҳеч ким шубҳа қилмаганди. Аммо учрашувда 1:6 ҳисоби қайд этилиши кўпчиликнинг хаёлига ҳам келмаган эди. Мухлислар ўз вақтида «Дўстлик»чиларни олий лигадаги қатор жамоаларга чинакам ташвиш туғдирган дамларини яхши эслашса керак. Ўшанда исталган рақибини довдиратиш қудратига эга бўлган «Дўстлик»нинг бугунги аҳволи жуда ҳам ачинарли. Давралар оралиғида жамоа билан бир йўла энг номдор саккиз футболчи – М.Қурбонов Р.Аҳмедхонов, И.Кликунов, В.Клишин, А.Поваляев, О.Шацких, Ш.Раҳмонқулов хайрлашди. Аҳвол шу даражада давом этса, ҳозирда ўртамиёналикни урф қилиб олган дўстликчилар аутсайдер кўчасига кириб қолиши аниқ.

Ушбу турда яна бир кутилмаган натижа «Бухоро» ва «Насаф» учрашувида қайд этилди. Аслида-ку, ҳар икки жамоа илк учрашуви - «Нефтчи» билан бўлиб ўтган баҳсдаёқ билдирилган ишончи аъло даражада оқлашди. Учрашувнинг 15 дақиқасидаёқ А.Мочиновнинг рақиб дарвозасига киритган тўпидан «Навбаҳор» мухлислари севинчдан ўзларини қаерга қўйишни билмай қолишди. Иккинчи бўлимда О.Усмонхўжаев томонидан иккинчи тўп киритилган сонияларда ишқибозлар бир пайтлари чемпионлик гаштини сурган дамларини эслаб қолишган бўлса, ажаб эмас. Шу тарика водийнинг бир-бирларига азалдан муросасиз бўлиб келган икки жамоаси ўртасидаги баҳс 2:0 ҳисобида ўз интиҳосини топди. «Навбаҳор» ушбу ғалабаси билан турнир жадвалининг 5 поғонасига кўтарилган бўлса, фарғоналик футболчилар эса пешқадамликни яна «Пахтакор»га бўшатиб беришди. Шу куни фақат чемпионлик тожи учун астойдил тер тўкаётган пойтахтликлар «Дўстлик» футболчилари билан орани «очиқ» қилишди.

Тўғри, «Пахтакор»ни давралар оралиғида кучсизланиб қолган «Дўстлик»ни енгишига ҳеч ким шубҳа қилмаганди. Аммо учрашувда 1:6 ҳисоби қайд этилиши кўпчиликнинг хаёлига ҳам келмаган эди. Мухлислар ўз вақтида «Дўстлик»чиларни олий лигадаги қатор жамоаларга чинакам ташвиш туғдирган дамларини яхши эслашса керак. Ўшанда исталган рақибини довдиратиш қудратига эга бўлган «Дўстлик»нинг бугунги аҳволи жуда ҳам ачинарли. Давралар оралиғида жамоа билан бир йўла энг номдор саккиз футболчи – М.Қурбонов Р.Аҳмедхонов, И.Кликунов, В.Клишин, А.Поваляев, О.Шацких, Ш.Раҳмонқулов хайрлашди. Аҳвол шу даражада давом этса, ҳозирда ўртамиёналикни урф қилиб олган дўстликчилар аутсайдер кўчасига кириб қолиши аниқ.

Ушбу турда яна бир кутилмаган натижа «Бухоро» ва «Насаф» учрашувида қайд этилди. Аслида-ку, ҳар икки жамоанинг Бухорода бўлиб ўтган ўйинларида қаршиликлар доимо мағлубиятга учраб келганлар. Фақат 2001 йилда «Насаф» меҳмонда «Бухоро» дарвозасига жавобсиз 6 та тўп киритган эди. Очиғи, бу сафар ҳам ана шунга ўхшаш ғалабадан умид катта эди. Бироқ натижа томоман ўзгача бўлди. Бухороликларни уч тўпига қаршиликлар бир тўп билан жавоб беришди, холос. Қолган учрашувларда эса жамоалар қуйидаги натижаларга имзо чекишди: — «Андижон» – «Қўқон-1912» 1:0, «Трактор» – «Самарқанд-Д» 0:1, «Металлург» – «Қизилқум» 1:2, «Машъал» – «Гулистон» 2:1, «Цементчи» – «Сурхон» 3:1.

Хўш, бу йилги биринчилик ўтган чемпионатлардан фарқ қиладими? Ёки ҳар галгидек чемпионлик учун яна «Пахтакор» ва «Нефтчи» жамоалари курашадими? Рости, айни саволлар футбол мухлисларини мавсум бошида ҳам, ҳозир ҳам бирдек қизиқтирмоқда. Агар биз ушбу биринчиликнинг иккинчи давра ўйинларида «Нефтчи»ни «Насаф», «Андижон», «Самарқанд-Д» каби жамоалар меҳмони бўлишини, «Пахтакор»ни «Нефтчи», «Насаф», «Сурхон» ва «Андижон» билан сафарда кураш олиб бориши ва ҳар икки жамоани эса Фарғонада орани «очиқ» қилишга тўғри келишини назарда тутсак, унда учинчи ва тўртинчи ўринда бораётган «Қизилқум» ва «Насаф»чилар учун чемпионлик тож-тахти эшиклари ҳам очиқ эканлигига гувоҳ бўламиз. Нима бўлганда ҳам, қайси жамоани ғолибу, қайси жамоанинг мағлуб бўлиб, олий лигани тарк этиши хусусида олдиндан аниқтиниқ гап айтиш қийин. Фақат вақт олий ҳакам. Жўжани кузда санаганидек, дарвозаларга тушажак тўплар «баракаси»ни ҳам мавсум охирида мириқиб санаймиз.

Фурқат САНАЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Тақдимот

«Зумрад ва Қимматнинг янги саргузаштлари»

Ўзбектелефильмда ишланган янги кино шундай деб номланди

Ҳозир болажонларимизнинг маза қилиб дам олаётган пайти. Болажонларнинг қай бири ёзги таътилни бирор оромгоҳда ўтказишни маъқул кўрса, бошқа бири қишлоқ жойлардаги қариндошларникига бориб ҳордиқ чиқаришни хўш кўришади. Аммо ҳар қандай ҳолатда ҳам болажонларимиз ўзлари учун яратилган мультфильм ёки бадиий фильмни кўришдан зерикишмайди. Айниқса, бундай асарлар янги бўлса нур устига аъло нур. Ўзбектелефильм ижодкорлари томонидан ишланган «Зумрад ва Қимматнинг янги саргузаштлари» фильми эса бу борада болажонларимиз учун муносиб туҳфа бўлди.

Мазкур бадиий фильмнинг ғоясини томошабин яхши билади. Унинг ўзбек халқ эртакларидан бири эканлиги ҳам, бу асосдаги мультфильм яратилгани ҳам барчага маълум. Хўш, шундай экан, «Зумрад ва Қимматнинг янги саргузаштлари»ни олишга қандай зарурат бор эди?

— Бу кинонинг «Зумрад ва Қиммат» мультфильмидаги воқеалардан фарқи унча катта эмас,- дейди фильмнинг сценарий муаллифи Раъно Солиҳова. — Аммо шуни ишонч билан айтиш жоизки, кинодаги воқеалар болажонларга тез таъсир қилади. Чунки бадиий фильмда ҳодисалар аниқроқ ва ёрқинроқ акс этади. Зумрад ва Қиммат, Шертой, Шумтака, Шерзод, Қора дев бу фильм-эртакнинг асосий қаҳрамонларини ташкил этади. Ва улар ўртасида икки куч — эзгулик ва ёвузлик ўртасида кураш кечиб, охир-оқибат эзгулик тантана қилади.

Бу фильм тўрт қисмдан (ҳар бири 40 дақиқадан) иборат бўлиб, ундаги қаҳрамонлар образини акс эттиришда таниқли санъаткорлар — Мелис Абзалов, Сайрам Исаевалар қатори кино оламига эндигина кириб келаётган бир гуруҳ истеъдодлар ҳам иштирок этишган.

Мақсуд МИРЗО.

Мулкчилик шаклидан қатъи назар барча қурилиш ташкилотларига!

ЎЗБЕКИСТОН БОЛАЛАР СПОРТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЖАМҒАРМАСИ

республика вилоятларининг шаҳар ва туманларида 2003 йилда танлов (тендер) асосида ўтказилиши мўлжалланаётган янги қуриладиган спорт иншоотлари рўйхатини хабар қилади.

Қорақалпоғистон Республикаси
1. Кегейли туманининг Кегейли шаҳрида спорт иншооти қурилиши (I лойиҳа хили).
2. Амударё туманининг Қипчоқ шаҳрида спорт иншооти қурилиши (I лойиҳа хили).
3. Нукус шаҳридаги ботаника боғи ҳудудида спорт иншооти қурилиши (индивидуал лойиҳа хили).

Бухоро вилояти
1. Ғиждувон шаҳрининг «Шарқ» маҳалласида спорт иншооти қурилиши (I лойиҳа хили).
2. Жондор туманининг А.Ражабов номли ширкат хўжалигида спорт иншооти қурилиши (I лойиҳа хили).
3. Бухоро туманининг У.Юсупов номли ширкат хўжалигида спорт иншооти қурилиши (I лойиҳа хили).

Жиззах вилояти
1. Мирзачўл туманининг Гагарин шаҳрида спорт иншооти қурилиши (I лойиҳа хили).
2. Жиззах шаҳрининг «Ғунча» болалар боғида спорт иншооти қурилиши (I лойиҳа хили).

Қашқадарё вилояти
1. Қамаши туманининг Чим қишлоғида спорт иншооти қурилиши (I лойиҳа хили).
2. Шаҳрисабз туманининг Чоршанба қишлоғида спорт иншооти қурилиши (I лойиҳа хили).
3. Ғузор туманининг Ғузор қишлоғида спорт иншооти қурилиши (II лойиҳа хили).

Навоий вилояти
1. Зарафшон шаҳрининг «Янги Зарафшон» маҳалласида спорт иншооти қурилиши (I лойиҳа хили).
2. Қизилтепа туманининг «Работ» маҳалласида спорт иншооти қурилиши (I лойиҳа хили).
3. Хатирчи туманининг М.Улуғбек номли ширкат хўжалиги марказида спорт иншооти қурилиши (II лойиҳа хили).

Наманган вилояти
1. Янгиқўрғон туманининг Искавот қишлоғида спорт иншооти қурилиши (I лойиҳа хили).
2. Норин туманининг Қўшчеки қишлоғида спорт иншооти қурилиши (I лойиҳа хили).

Самарқанд вилояти
1. Пахтачи туманининг «Пахтакор» ширкат хўжалигида спорт иншооти қурилиши (I лойиҳа хили).
2. Боғишамол туманининг Сартепо масканида спорт иншооти қурилиши (II лойиҳа хили).
3. Қўшработ туманининг Қўшработ шаҳарчасида спорт иншооти қурилиши (II лойиҳа хили).
4. Ургут тумани марказида спорт иншооти қурилиши (III лойиҳа хили).
5. Самарқанд шаҳрининг Боғишамол туманида спорт иншооти қурилиши (индивидуал лойиҳа).

Сурхондарё вилояти
1. Денов туманининг Оклар қишлоғида спорт иншооти қурилиши (I лойиҳа хили).
2. Сариосиё туманининг Чароғон қишлоғида спорт иншооти қурилиши (I лойиҳа хили).
3. Қумқўрғон туманининг Багара қишлоғида спорт иншооти қурилиши (I лойиҳа хили).

Сирдарё вилояти
1. Оқолтин туманининг Сардоба қўрғонида спорт иншооти қурилиши (I лойиҳа хили).
2. Сайхунобод туманининг Сайхун қўрғонида спорт иншооти қурилиши (I лойиҳа хили).

Тошкент вилояти
1. Чирчиқ шаҳрида спорт иншооти қурилиши (индивидуал лойиҳа).
2. Қуйи Чирчиқ туманининг «Дўстиобод» ширкат хўжалигида спорт иншооти қурилиши (I лойиҳа хили).
3. Оҳангарон туманининг Қорахитой қишлоғида спорт иншооти қурилиши (II лойиҳа хили).
4. Бўка тумани марказида спорт иншооти қурилиши (V лойиҳа хили).
5. Ангрен шаҳрининг «Облик» маҳалласида спорт иншооти қурилиши (V лойиҳа хили).
6. Оққўрғон туманининг «Оққўрғон» жамоа хўжалигида спорт иншооти қурилиши (I лойиҳа хили).

Фарғона вилояти
1. Фарғона туманининг Шоҳимардон қишлоғида спорт иншооти қурилиши (I лойиҳа хили).
2. Бешариқ туманининг Узун қишлоғида спорт иншооти қурилиши (I лойиҳа хили).
3. Марғилон шаҳрининг 29-сонли мактабида спорт иншооти қурилиши (V лойиҳа хили).
4. Сўх туманининг Ғазнов қишлоғида спорт иншооти қурилиши (V лойиҳа хили).
5. Охунбобоев туманининг Лангар қишлоғида спорт иншооти қурилиши (V лойиҳа хили).

Хоразм вилояти
1. Хонқа туманининг Охунбобоев номли ширкат хўжалигида спорт иншооти қурилиши (II лойиҳа хили).
2. Боғот туманининг «Тошкент» ширкат хўжалигида спорт иншооти қурилиши (II лойиҳа хили).
3. Ҳазорасп туманининг «Хоразм» ширкат хўжалигида спорт иншооти қурилиши (II лойиҳа хили).

Тошкент шаҳри
1. Юнусобод туманида спорт иншооти қурилиши (индивидуал лойиҳа хили).
2. Акмал Икромов туманининг 31-даҳасида спорт иншоотининг қурилиши (III лойиҳа хили).
3. Сирғали туманининг 5-даҳасида спорт иншооти қурилиши (II лойиҳа хили).

Танловда иштирок этиш ва тендер ҳужжатларига эга бўлиш учун танлов ташкилотчилари — Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасининг пудрат савдоларини ташкил этиш (тендер) республика бошқармасининг жойларидаги филиалларига мурожжат этиш мумкин.

Мазкур рўйхат таҳрир қилинмоқда, ўзгартиришлар киритилиши мумкин. Савдоларнинг ўтказилиш муддатлари қўшимча эълонлар билан ахборот бериб борилади.

Маълумот учун қуйидаги телефонларга мурожаат қилинсин:

№1 Ўзбекистон болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг минтақавий филиаллари хизмат телефонлари;

№2 Республика пудрат савдоларини ташкил этиш (тендер) бошқармасининг жойлардаги филиаллари хизмат телефонлари.

	№1	№2
Қорақалпоғистон Республикаси	тел. 2-72-20	тел. 2-74-12
Бухоро вилояти	тел. 3-37-32	тел. 23-97-51
Жиззах вилояти	тел. 6-16-98	тел. 6-14-66
Қашқадарё вилояти	тел. 1-16-96	тел. 1-07-79
Навоий вилояти	тел. 3-90-64	тел. 5-53-85
Наманган вилояти	тел. 6-50-42	тел. 6-17-50
Самарқанд вилояти	тел. 33-66-84	тел. 33-32-00
Сурхондарё вилояти	тел. 27-39-12	тел. 2-75-01
Сирдарё вилояти	тел. 25-28-65	тел. 27-64-84
Тошкент вилояти ва шаҳри	тел. 136-38-70	тел. 144-12-17
Фарғона вилояти	тел. 24-40-40	тел. 26-43-19
Хоразм вилояти	тел. 26-55-54	тел. 4-28-41

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ҳайъати ҳамда касаба уюшмаси бирлашган қўмитаси ЎзР ФА академиги **Эркин ЮСУПОВнинг** вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия ва ҳамдардлик билдиради.

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети ректорати касаба уюшмаси қўмитаси ҳамда фалсафа факультети жамоаси факультет профессори, академик **Эркин ЮСУПОВнинг** вафоти муносабати билан марҳумнинг оиласига чуқур таъзия изҳор этади.

ЎзРФА «Ботаника» илмий-ишлаб чиқариш маркази жамоаси етакчи илмий ходим, биология фанлари доктори Рўзиқул Худайбердиевга турмуш ўртоғи **Раъногон ХУДАЙБЕРДИЕВАнинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Акциядорлик тижорат «Пахта-Банк» бошқаруви ва жамоаси Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ходимлар билан ишлаш департаменти директори **Абдувоҳид МАМАДАЛИЕВнинг** вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва қариндош-уруғларига чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Файласуфлари миллий жамияти академик, фалсафа фанлари доктори, профессор **Эркин ЮСУПОВнинг** вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик изҳор қилади.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир: Аббосхон УСМОНОВ

Таҳрир ҳайъати: Э. Болиев (масъул котиб — «Халқ сўзи»), П. Дюгай, Ш. Жабборов (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»), Л. Кучеренко, М. Миралимов, С. Муҳиддинов, Ш. Ризаев, А. Саидов (масъул котиб — «Народное слово»), М. Сафаров, И. Ўтбосаров, О. Қаиббергенов (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»), А. Ҳайдаров, Ў. Ҳошимов.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар бўлими 133-52-55;
Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 00001
Буюртма 1 — 608. 22990 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2
Газета IBM компьютерида терилди ва операторлар Жамшид ТОҒАЕВ ва Акбар БОЛТАЕВ томонидан саҳифаланди.
Таҳририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.
[!] - Тижорат материали

● МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов.
Навбатчи муҳаррир — Г. Йўлдошева.
Навбатчи — М. Холматова.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. Босишга топшириш вақти — 21.00 Топширилди — 22.15 1 2 3 4 5 6